

كتاب

قصص النبيين للأطفال

بقلم: أبو الحسن علي الحسيني الندوي

الجزء الرابع

مترجم إلى اللغة الأوزبكية

أنور أحمد

طشقند:

٢٠١٤ م

Абул Ҳасан Али Ҳасан ан-Надавий

ПАЙҒАМБАРЛАР ҚИССАСИ

(Болалар учун)

Тўртинчи қисм

Араб тилидан:

Анвар Аҳмад

таржимаси

Тошкент

2014-йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قِصَّةُ سَيِّدِنَا شُعَيْبٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ

۱

نَظَرَةٌ عَلَى الْقِصَصِ السَّابِقَةِ

قَرَأْتُمْ قِصَّةَ سَيِّدِنَا إِبْرَاهِيمَ وَسَيِّدِنَا يُوسُفَ، وَقَرَأْتُمْ قِصَّةَ سَيِّدِنَا نُوحٍ وَسَيِّدِنَا هُودٍ وَسَيِّدِنَا صَالِحٍ، قَرَأْتُمْ قِصَّةَ سَيِّدِنَا مُوسَى فِي شَيْءٍ مِنَ التَّفْصِيلِ وَالتَّطْوِيلِ، قَرَأْتُمْ كُلَّ ذَلِكَ بِشَوْقٍ وَرَغْبَةٍ، وَإِجْلَالٍ وَتَقْدِيرٍ، وَحَلَّتْ فِي نُفُوسِكُمْ وَقُلُوبِكُمْ مَحَلَّ الْقِصَصِ الْحَبِيبَةِ الْأَثِيرَةِ، وَوَعَتْهَا ذَاكِرَتُكُمْ، وَذَلَّتْ بِهَا أَلْسِنَتُكُمْ، وَقَدْ رَأَى النَّاسُ تَحْكُونَهَا لِإِخْوَتِكُمُ الصِّغَارِ، وَتُرَدِّدُونَهَا لِلْأَبْوَيْنِ وَالْإِخْوَةِ الْكِبَارِ، وَأَنْتُمْ تَتَذَوَّقُونَهَا، وَقَدْ تَتَحَمَّسُونَ فِي حِكَايَتِهَا.

Саййидимиз Шуъайб алайҳиссалом қиссалари

1

Ўтган қиссаларга нигоҳ

Сизлар саййидимиз Иброҳим алайҳиссалом, Юсуф алайҳиссалом, Нух алайҳиссалом, Худ алайҳиссалом, Солиҳ алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом қиссалари билан батафсил танишдингиз. Буларнинг барчасини завқ-шавқ, қувонч, улуғлаш ва тақдирлаш билан ўқиб чиқдингиз. Ушбу маҳбуб қиссалар қалбларингиздан ўрин эгаллаб, зехнларингизга ўрнашди, тилларингизга осон кўчди. Одамлар жам бўлиб, жажжи укаларига ҳикоя қилар, ота-она ва катта акалардан ўтказиб, такрорлаб олишар эди. Сизлар эса ундан завқ олиб, ҳикоясидан руҳланмоқдасизлар.

قِصَّةُ صِرَاعِ بَيْنِ الْحَقِّ وَالْبَاطِلِ

وَلَا عَرَابَةَ، فَإِنَّهَا قِصَصٌ شَائِقَةٌ مُثِيرَةٌ، وَإِنَّهَا قِصَّةُ صِرَاعِ بَيْنِ الْحَقِّ وَالْبَاطِلِ، وَبَيْنَ الْعِلْمِ وَالْجُهْلِ، وَبَيْنَ النُّورِ وَالظُّلَمِ، وَبَيْنَ الْإِنْسَانِيَّةِ وَالْوَحْشِيَّةِ، وَبَيْنَ الْجَزْمِ وَالْيَقِينِ، وَالظَّنِّ وَالْتَّخْمِينِ.
 ثُمَّ إِنَّهَا قِصَّةُ انْتِصَارِ لِلْحَقِّ عَلَى الْبَاطِلِ، وَالْعِلْمِ عَلَى الْجُهْلِ، وَالضَّعِيفِ عَلَى الْقَوِيِّ، وَالْقَلِيلِ عَلَى الْكَثِيرِ، قِصَّةٌ فِيهَا عِلْمٌ وَحِكْمَةٌ، وَمَوْعِظَةٌ وَذِكْرٌ، وَصَدَقَ اللَّهُ الْعَظِيمُ:
 (لَقَدْ كَانَ فِي قِصَصِهِمْ عِبْرَةٌ لِأُولِي الْأَلْبَابِ، مَا كَانَ حَدِيثًا يُفْتَرَى وَلَكِنْ تَصْدِيقَ الَّذِي بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ كُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ) (يوسف- 111).

2

Ҳақ ва ботил орасидаги кураш

Ҳақ ва ботил орасидаги кураш қизиқарли ва хаяжонли қиссадир. У ҳақ ва ботил, илм ва жаҳолат, нур ва зулумат, инсонийлик ва ваҳшийлик, ишончу катъийлик ҳамда гумону тахминлар орасидаги кураш қиссасидир. Ва албатта у ҳақнинг ботилдан, илмнинг жоҳиллик, кучлиликнинг кучсизлик, озчиликнинг кўпчилик устидан ғалаба қозониш қиссасидир. Унда илм ва ҳикмат, мавъиза ва зикр бордир.

Буюк Аллоҳ рост сўзлади: «**Батаҳқиқ, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бор эди. Бу (Қуръон) тўқима гап эмас, лекин ўзидан олдин келганни тасдиқлаш ва ҳар бир нарсани батафсил қилиш, ҳидоят ҳамда иймон келтирганлар учун раҳматдир**». (Юсуф сураси, 111-оят)

وَالِي مَدِينٍ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا

وَلَيْسَ مَا حَكَيْنَاهُ لَكُمْ مِنْ قِصَصِ النَّبِيِّينَ، هُوَ كُلُّ مَا حَكَاهُ اللَّهُ فِي الْقُرْآنِ مِنْ قِصَصِهِمْ وَحِكَايَتِهِمْ،
فَفِي الْقُرْآنِ قِصَصٌ غَيْرُ هَذِهِ الْقِصَصِ.

فِيهِ قِصَّةُ نَبِيِّ اللَّهِ شُعَيْبٍ الَّذِي أَرْسَلَهُ اللَّهُ إِلَى مَدِينٍ وَأَصْحَابِ الْأَيْكَةِ، وَهُمْ أَصْحَابُ تِجَارَةٍ وَسِلْعٍ. فَقَدْ
كَانُوا عَلَى الْجَادَّةِ التِّجَارِيَّةِ الْكَبِيرَةِ بَيْنَ الْيَمَنِ وَالشَّامِ وَبَيْنَ الْعِرَاقِ وَمِصْرَ، عَلَى سَاحِلِ الْبَحْرِ الْأَحْمَرِ.

كَانُوا يُشْرِكُونَ بِاللَّهِ غَيْرَهُ، كَمَا كَانَتْ أُمَّمُ الْأَنْبِيَاءِ فِي كُلِّ عَصْرٍ، وَكَانُوا - زِيَادَةً إِلَى ذَلِكَ - يَنْقُصُونَ
الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ، وَيُطْفِفُونَ فِي الْكَيْلِ، وَيَتَعَرَّضُونَ لِلْقَوَافِلِ، فَيَتَوَعَّدُونَهَا وَيُخَيِّفُونَهَا، وَيَعِيشُونَ فِي الْأَرْضِ فَسَادًا،
شَأْنَ الْأَعْنِيَاءِ الْأَقْوِيَاءِ، الَّذِينَ لَا يَرْجُونَ حِسَابًا وَلَا يَخْشَوْنَ عَذَابًا.

فَبَعَثَ اللَّهُ إِلَيْهِمْ رَسُولَهُ شُعَيْبًا يَدْعُوهُمْ وَيُنذِرُهُمْ، وَيَقُولُ لَهُمْ:

(يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ وَلَا تَنْقُصُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ إِنِّي أَرَاكُمْ بِخَيْرٍ وَإِنِّي أَخَافُ
عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ مُحِيطٍ، وَيَا قَوْمِ أَوْفُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ بِالْقِسْطِ وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْتُوا
فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ) [هود: ٨٤ - ٨٥].

Мадянга акалари Шуъайбнинг пайғамбар қилиб юборилиши

Биз сизларга ҳикоя қилган пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар Аллоҳ Қуръонда келтирганларининг барчаси эмас. Қуръонда бундан бошқа қиссалар ҳам бор. Шулардан бири Аллоҳ Мадянга пайғамбар қилиб юборган Шуъайб ва Айка соҳиблари (дарахт соҳиблари) қиссасидир. Улар Яман, Шом ҳамда Ироқ ва

Мисрнинг Қизил денгиз соҳиллари орасида катта тижорат ишлари билан шуғулланардилар.

Ҳар бир асрдаги пайғамбарларнинг уммати каби Аллоҳдан бошқасини Унга шерик қилувчи бу кимсалар ўлчов ва тарозуни кам тортиб, ундан уриб қолардилар, карвонларнинг йўлини тўсиб, мол-мулкига таҳдид солиб, бузғунчилик қилардилар. Шу билан бойлик орттириб, эртанги кун ҳисоб-китоби, азобидан қўрқмай яшардилар. Аллоҳ уларни даъват қилиш ва огоҳлантириш учун элчиси Шуъайбни юборди.

Шуъайб деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг, сиз учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ўлчовни ва тортишни камайтирманглар. Албатта, мен сизларнинг яхшиликда (мўл-кўлликда) эканликларингизни кўриб турибман. Албатта, мен сизларга қамровли кун азобидан қўрқмоқдаман. Эй қавмим, ўлчаш ва тортишни адолат ила мукамал қилинг. Одамларнинг нарсаларини камайтириб қолманг ва ер юзида бузғунчилик қилиб юрманг».

(Ҳуд сураси, 84-85-оятлар)

٤

دَعْوَةُ شُعَيْبٍ عَلَيْهِ السَّلَامُ

وَيَبْسُطُ لَهُمْ فِي الْكَلَامِ وَيَجْلُ عُقْدَةً فِي نَفْسِهِمْ، وَهِيَ عُقْدَةُ حُبِّ الْمَالِ وَالزِّيَادَةِ، فَيَقُولُ: إِنَّ مَا يَفْضُلُ لَكُمْ مِنَ الرِّيحِ بَعْدَ وَقَاءِ الْكَيْلِ وَالْمِيزَانِ خَيْرٌ لَكُمْ مِنْ أَخَذِ أَمْوَالِ النَّاسِ بِالظُّلْمِ وَالْحِيَانَةِ، وَإِذَا نَظَرْتُمْ فِي حَيَاتِكُمْ وَفِي حَيَاةِ هَؤُلَاءِ الَّذِينَ أَثَرُوا وَجَمَعُوا الْأَمْوَالَ، وَجَدْتُمْ أَنَّ مَا اكْتَسَبُوهُ عَنْ طَرِيقِ التَّطْفِيفِ وَالْبَخْسِ وَالْحِيَانَةِ، كَانَ مَصِيرُهُ إِلَى التَّلَفِ وَالضِّيَاعِ، أَوْ الْفَسَادِ وَالْبَلَاءِ، فَسُرِقَ أَوْ نُهِبَ، أَوْ أَنْفَقَ فِي غَيْرِ مَا يُرْضِي اللَّهَ، أَوْ سَلِطَ عَلَيْهِ مَنْ أَتْلَفَهُ وَعَبَثَ بِهِ، وَالْقَلِيلُ الَّذِي يَنْفَعُ خَيْرٌ مِنَ الْكَثِيرِ الَّذِي لَا يَنْفَعُ: (قُلْ لَا يَسْتَوِي الْحَبِيثُ وَالطَّيِّبُ وَلَوْ أَعْجَبَكَ كَثْرَةُ الْحَبِيثِ) [المائدة: ١٠٠].

وَنَصِيحَتِي لَكُمْ خَالِصَةٌ مُخْلِصَةٌ، وَاللَّهُ هُوَ الرَّقِيبُ عَلَيْكُمْ وَحَدُّهُ. يَقُولُ فِي رَفْقٍ وَحِكْمَةٍ وَعِلْمٍ وَبَصِيرَةٍ:
بَقِيَّةُ اللَّهِ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ وَمَا أَنَا عَلَيْكُمْ بِحَفِيظٍ [هود: ٨٦].

4

Шуъайб алайҳиссаломнинг даъвати

Шуъайб уларга сўзларини батафсил шарҳлаб, нафсларидаги жумбоқликни ечиб берар эди.

У: “Албатта, сизлар ўлчов ва тарозудаги тўғрилигингиздан кейин қўлга киритган фойдангиз одамларнинг молларини зулм ва хиёнат билан олиб қўйишдан яхшидир. Агар қаллоблик, алдов ва хиёнат йўли билан мол-дунё топганлар ҳаётига назар ташласангиз улар бу қилмиши учун оқибат талофат, фасод ва балога учрагани, жамғарган мол-мулкларига талофат етганини кўрасиз. Озгина бўлиб манфаат берадиган нарса кўп бўлиб манфаат бермайдиган нарсадан яхшироқдир”, дер эди.

“Агар нопокнинг кўплиги сени ажаблантирса ҳам, пок билан нопок тенг бўла олмас”. (Моида сураси, 100-оят)

Сизларга менинг насиҳатим холис ва ҳаққонийдир. Аллоҳнинг ёлғиз ўзи сизларни кузатувчидир.

Шуъайб уларга мулойимлик, ҳикмат, илм ва идрок билан: “Аллоҳнинг наздида боқий қолувчи сиз учун яхшироқдир. Мен сизнинг устингизда қўриқчи эмасман”, (Худ сураси, 86-оят) деди.

۵

أَبٌ رَّحِيمٌ وَمُعَلِّمٌ حَكِيمٌ

وَيَتَنَوَّعُ هُمْ فِي الْخِطَابِ، وَيَتَفَنَّنُ فِي النَّصِيحَةِ، شَأْنَ الْأَبِ الرَّحِيمِ وَالْمُعَلِّمِ الْحَكِيمِ، فَيَقُولُ:
 يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ قَدْ جَاءَتْكُمْ بَيِّنَةٌ مِنْ رَبِّكُمْ فَأَوْفُوا الْكَيْلَ وَالْمِيزَانَ وَلَا
 تَبْخَسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تُفْسِدُوا فِي الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا ذَلِكَ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ. وَلَا
 تَقْعُدُوا بِكُلِّ صِرَاطٍ تُوعِدُونَ وَتَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ مَنْ آمَنَ بِهِ وَتَبْغُونَهَا عِوَجًا وَاذْكُرُوا إِذْ كُنْتُمْ قَلِيلًا
 فَكَفَرْتُمْ وَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ. [الأعراف: ٨٥ - ٨٦].

5

Меҳрибон ота ва доно устоз

У меҳрибон ота ва доно устоз каби хитоб ва насиҳат қилди.

У: “Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинг. Сизга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан хужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозуни тўлиқ адо этинг, одамларнинг нарсаларидан камитиб қолманг ва ер юзида унинг ислоҳидан кейин бузғунчилик қилманг. Агар мўмин бўлсангиз, шундай қилмоғингиз ўзингиз учун яхшидир. Ҳар кўчада ўтириб олиб кўрқитманг. Аллоҳнинг йўлидан Унга иймон келтирганларни тўсманг ва у (йўл)ни эгри бўлишини истаманг. Оз бўлган чоғингизда сизни кўпайтириб қўйганини эсланг. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг”.

(Аъроф сураси, 85-86-оят)

٦

جَوَابُ قَوْمِهِ

وَقَدْ دَقَّقَ أَذْكَيَاؤُهُمْ فِي تَفْسِيرِ هَذِهِ الدَّعْوَةِ وَتَعْلِيلِهَا وَقَالُوا فِي تَيْهِ وَزَهْوٍ، كَأَنَّهُمْ اِكْتَشَفُوا سِرًّا أَوْ فَكُّوا لَعْنَةً:

(يا شُعَيْبُ أَصَلَوْتُكَ تَأْمُرُكَ أَنْ نَتْرَكَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا أَوْ أَنْ نَفْعَلَ فِي أَمْوَالِنَا مَا نَشَاءُ إِنَّكَ لِأَنْتَ الْحَلِيمُ الرَّشِيدُ) [هود: ٨٧].

6

Қавмининг жавоби

Қавм орасидаги айрим кишилар ушбу даъватнинг тафсири ва иллатини диққат билан ўрганиб, залолат ва мутакаббирлик билан гўёки, унинг сир-асрорини кашф этгандек: “Эй Шуайб, сенга бизнинг оталаримиз ибодат қиладиган нарсани тарк қилмоғимизни ёки молларимизда хоҳлаганимизни қилмаслигимизни намозинг амр қилмоқдами?! Сен жуда ҳалийм ва рашид экансан-да”, дедилар. (Ҳуд сураси, 87-оят)

٧

شُعَيْبٌ يَشْرَحُ دَعْوَتَهُ

وَتَلَطَّفَ لَهُمْ شُعَيْبٌ، فَلَمْ يَفْسُدْ وَمَ يَغْضَبْ، وَأَفْهَمَهُمْ أَنَّهُ مَا حَمَلَهُ عَلَى هَذِهِ الدَّعْوَةِ وَالتَّصِيحَةِ بَعْدَ صَمْتٍ طَوِيلٍ وَعَدَمِ تَعَرُّضٍ لِمَا كَانُوا عَلَيْهِ مِنْ أَخْلَاقٍ فَاسِدَةٍ وَتَصْرُفَاتٍ جَائِرَةٍ، إِلَّا مَا أَكْرَمَهُ اللَّهُ بِهِ أَحْيَرًا: بِالتُّبُّوَّةِ وَالْوَحْيِ وَمَا شَرَحَ لَهُ صَدْرُهُ وَآتَاهُ نُورًا مِنْ عِنْدِهِ. وَأَنَّهُ لَا يَحْمِلُهُ عَلَى ذَلِكَ الْحَسَدُ، فَقَدْ أَعْنَاهُ اللَّهُ وَرَزَقَهُ حَلَالًا طَيِّبًا، وَأَنَّهُ بِذَلِكَ سَعِيدٌ هَنِيءٌ النَّفْسِ، رَجِيءٌ الْبَالِ، شَاكِرٌ لِلَّهِ تَعَالَى بِالْقَلْبِ وَاللِّسَانِ.

ثُمَّ إِنَّهُ لَا يَنْهَاهُمْ عَنْ أَمْرِ وَيَرْتَكِبُهُ، وَيَمْنَعُهُمْ مِنْ شَيْءٍ وَيَأْتِيهِ، وَإِنَّهُ لَيْسَ مِنَ الَّذِينَ يَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَيَنْسَوْنَ أَنْفُسَهُمْ وَلَا مِنَ الَّذِينَ يَقُولُونَ مَا لَا يَفْعَلُونَ، إِنَّمَا يُرِيدُ إِصْلَاحَهُمْ وَإِسْعَادَهُمْ وَإِنْقَادَهُمْ مِنَ الْعَذَابِ الَّذِي يُخَلِّقُ عَلَى رُؤُوسِهِمْ، وَإِنَّ الْفَضْلَ كُلَّهُ يَرْجِعُ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى، وَعَلَيْهِ اعْتِمَادُهُ.

(قَالَ يَا قَوْمِ أَرَأَيْتُمْ إِنْ كُنْتُمْ عَلَى بَيِّنَةٍ مِنْ رَبِّي وَرَزَقْنِي مِنْهُ رِزْقًا حَسَنًا وَمَا أُرِيدُ أَنْ أُخَالِفَكُمْ إِلَىٰ مَا أَنْهَاكُمْ عَنْهُ إِنْ أُرِيدُ إِلَّا الْإِصْلَاحَ مَا اسْتَطَعْتُ وَمَا تَوْفِيقِي إِلَّا بِاللَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ) [هود: ٨٨].

7

Шуъайб чакириғини изохлайди

Шуъайб уларга кўрслик ҳам, ғазаб ҳам қилмади, улар бузук ахлокли кишилар бўлишларига қарамасдан узоқ сукутдан кейин уларга яна мулойимлик билан пешвоз чиқди. Уни ушбу даъват ва насихатни гапиришга ундаган нарса Аллоҳ у Зотга нубувват ва ваҳий билан икром кўрсатгани, Ўзининг ҳузуридан нур ила қалбларини очганини тушунтириш эди. Уни бу ишга ҳасад етакламагани, Аллоҳ уни ҳалол ва покиза насиба билан ризқлантиргани, у бундан бахтиёр экани, фикри сокин бўлганини, қалби ва тили ила Аллоҳ таолога шукр қилувчи эканини баён қилди. Ўзи бирор гуноҳ иш қилиб, уни бошқаларга тақиқловчи ҳамда одамларни яхшиликка буюриб, ўзини унутадиганлардан эмаслигини ва бажармайдиган нарсасини ваъда қилмаслигини айтди. Фақат уларни бахтиёр ҳаёт сари чорлаш ва бошлари устига келиб қолган азобдан қутқаришни ирода этганини билдирди. Бу фазл Аллоҳ томонидан экани ва у бунга тўла суянишини айтди.

“Эй қавмим, хабар беринглар-чи, агар мен Роббимдан аниқ ҳужжатга эга бўлсам-чи ва мени Ўзи тарафидан яхши ризқ ила ризқлантирган бўлсам-чи?! Мен сизларни ўзим қайтараётган нарсада ўзим хилоф қилмоқчи эмасман. Мен имконим борича ислоҳ қилишдан ўзга ҳеч нарсани хоҳламасман. Менинг муваффақиятим фақат Аллоҳга боғлиқ. Унгагина таваккал қилдим. Унгагина қайтаман”. (Худ сураси, 88-оят)

٨

مَا نَفَقَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ

وَتَجَاهَلَ الْقَوْمُ مَا أَرَادَهُ شُعَيْبٌ، كَأَنَّهُ كَانَ يَتَكَلَّمُ مَعَهُمْ فِي لُغَةٍ أَعْجَبِيَّةٍ، مَعَ أَنَّهُ ابْنُ الْبَلَدِ وَأَخُو الْقَوْمِ،
وَكَأَنَّهُ كَانَ غَيْرَ مُبِينٍ فِي كَلَامِهِ غَيْرَ مُفْصِحٍ، مَعَ أَنَّهُ مِنْ أَبْلَغِهِمْ كَلَامًا وَأَفْصَحِهِمْ بَيَانًا، وَهَكَذَا يَقُولُ النَّاسُ إِذَا
كَبُرَتْ عَلَيْهِمُ النَّصِيحَةُ وَشَقَّ عَلَيْهِمُ الْعَمَلُ.

8

“Айтганларингдан кўпини тушунмаяпмиз”

Шуъайб хоҳлаган нарсда қавм ўзини жоҳилликка солди. У ўша диёрнинг фарзанди ва халқнинг оғаси бўлишига қарамай, улар билан ажнабий тилда гаплашаётгандек, сўзлаётганида гўёки очиқ ва фасоҳатли бўлмаётгандек эди. Одамлар насихатни қабул этиш мушкул, амал қилиш машаққатли бўлса шундай қилишар эди. Ваҳоланки, Шуъайб сўзлашиш борасида етук ва баён жиҳатидан фасоҳатли эди.

٩

شُعَيْبٌ يَتَعَجَّبُ مِنْ قَوْمِهِ

وَتَعَلَّلُوا بِضَعْفِهِ وَوَحْدَتِهِ وَأَنَّهُ لَوْلَا عَشِيرَتُهُ وَقَرَابَتُهُمْ لَهُ لَرَجَمُوهُ بِالْحِجَارَةِ وَتَخَلَّصُوا مِنْهُ، وَقَدْ اسْتَنْكَرَ ذَلِكَ
شُعَيْبٌ وَتَعَجَّبَ مِنْ أَنَّ يَكُونَ اللَّهُ الْعَزِيزُ الْقَادِرُ وَالْقَوِيُّ الْقَاهِرُ، أَهْوَنَ عَلَيْهِمْ مِنْ عَشِيرَةٍ هِيَ عُرْضَةٌ لِلْأَمْرَاضِ
وَالهَلَاكِ وَالضَّعْفِ وَالْعَجْزِ.

(قَالُوا يَا شُعَيْبُ مَا نَفَقَهُ كَثِيرًا مِّمَّا تَقُولُ وَإِنَّا لَنَرَاكَ فِينَا ضَعِيفًا وَلَوْلَا رَهْطُكَ لَرَجَمْنَاكَ وَمَا أَنْتَ عَلَيْنَا
بِعَزِيزٍ، قَالَ يَا قَوْمِ أَرَهْطِي أَعَزُّ عَلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَاتَّخَذْتُمُوهُ وَرَاءَكُمْ ظَهْرِيَّ إِنَّ رَبِّي بِمَا تَعْمَلُونَ مُحِيطٌ) [هود: ٩١ - ٩٢].

9

Шуъайб қавмидан ажабланди

Қавмдагилар Шуъайбнинг заифлиги ва ёлғизлигини рўқач қилиб, агар уруғи ва қариндошлари бўлмаганида, тошбўрон қилиб, ундан халос бўлиш истагида эканликларини билдиришди. ал-Азиз, ал-Қодир, ал-Қовий, ал-Қохир сифатига эга бўлган Аллоҳни менсимаган қавмнинг беморлик, ҳалокат, заифлик ва ожизликка дучор бўладиган уруғчиликни рўқач қилишидан Шуъайб ажабланди.

“Улар: «Эй Шуъайб, айтганларингнинг кўпини яхши тушунмадик ва биз сени ичимизда заифҳол кўряпмиз, агар одамларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилар эдик. Сенинг ўзинг биз учун қимматли эмассан», дедилар.

У: «Эй қавмим, менинг одамларим сизлар учун Аллоҳдан кўра азизроқми?! Унга орқангизни ўгириб олдингиз. Албатта, Роббим қилаётган амалларингизни ихота қилувчидир”. (Худ сураси, 91-92-оятлар)

۱۰

السَّهْمُ الْأَخِيرُ

وَلَمَّا انْقَطَعَتْ حُجَّتُهُمْ أَطْلَقُوا السَّهْمَ الْأَخِيرَ الَّذِي أَطْلَقَهُ الْمُتَكَبِّرُونَ مِنْ كُلِّ أُمَّةٍ عَلَى نَبِيِّهِمْ وَأَتْبَاعِهِمْ:
(قَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا مِنْ قَوْمِهِ لَنُخْرِجَنَّكَ يَا شُعَيْبُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَكَ مِنْ قَرْيَتِنَا أَوْ لَتَعُوذُنَّ

فِي مِلَّتِنَا) [الأعراف: ٨٨].

10

Сўнгни чора

Бу ҳунарлари ўтмагач, сўнгни тадбирга киришишди, яъни барча умматларнинг мутакаббирлари ўз пайғамбарлари ва унга эргашганларга қўллаган чорани кўришди.

“Унинг қавмидан мутакаббир бўлган зодагонлар: «Эй Шуайб, албатта, сени ва сен билан бирга иймон келтирганларни ўз қишлоғимиздан чиқарамиз ёки ўз миллатимизга қайтасизлар», дедилар”.

(Аъроф сураси, 88-оят).

۱۱

حُجَّةٌ قَاطِعَةٌ

فَكَانَ جَوَابُهُ جَوَابَ فَخُورٍ بِدِينِهِ، غَيُورٍ عَلَى عَقِيدَتِهِ وَضَمِيرِهِ:
 (قَالَ أَوْلَوْكُنَّا كَارِهِينَ، قَدْ افْتَرَيْنَا عَلَى اللَّهِ كَذِبًا إِنْ عُدْنَا فِي مِلَّتِكُمْ بَعْدَ إِذْ نَجَّانَا اللَّهُ مِنْهَا وَمَا يَكُونُ
 لَنَا أَنْ نَعُودَ فِيهَا إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ رَبُّنَا وَسِعَ رَبُّنَا كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا عَلَى اللَّهِ تَوَكَّلْنَا رَبَّنَا افْتَحْ بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمِنَا
 بِالْحَقِّ وَأَنْتَ خَيْرُ الْفَاتِحِينَ) [الأعراف: ۸۸ - ۸۹].

11

Қатъий ҳужжат

Шуъайбнинг жавоби ўз дини билан фахрланиш, ўз ақидаси ва виждонига жонкуярлик ила эди.

“У: «Гарчи ёмон кўрувчи бўлсак ҳам-а?! Агар сизнинг миллатингизга Аллоҳ бизга ундан нажот бергандан сўнг қайтсак, батаҳқиқ, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз. Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Роббимиз–Аллоҳ хоҳласагина (*мумкин*). Роббимиз ҳамма нарсани ўз илми ила қамраб олгандир. Аллоҳга таваккал қилдик. Эй Роббимиз, биз билан қавмимизнинг орамизни ҳақ ила очгин. Сен очувчиларнинг яхшисидирсан», деди”. (Аъроф сураси, 88-89-оятлар).

۱۲

بَلْ قَالُوا مِثْلَ مَا قَالَ الْأَوَّلُونَ

فَلَمْ يَنْفَعَهُمْ ذَلِكَ، بَلْ قَالُوا مِثْلَ مَا قَالَ الْأَوَّلُونَ:
 (قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ، وَمَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُنَا وَإِنْ نَظُنُّكَ لَمِنَ الْكَاذِبِينَ، فَأَسْقِطْ عَلَيْنَا
 كِسْفًا مِنَ السَّمَاءِ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ) [الشعراء: ۱۸۵ - ۱۸۷].

12

Улар ҳам худди аввалги қавмлардек жавоб қайтиришди

Бу даъват қавмга кор қилмади, аксинча улар ҳам худди аввалги қавмлардек жавоб қайтаришди:

“Улар: «Албатта, сен сеҳрланганлардансан. Ва сен бизга ўхшаган башардан бошқа нарса эмассан. Биз сени, албатта, ёлғончилардан, деб билурмиз. Агар ростгўйлардан бўлсанг устимиздан осмоннинг бир бўлагини ташлаб юбор», дедилар”. (Шуъаро сураси, 185-187-оятлар).

۱۳

عَاقِبَةُ أُمَّةٍ كَذَبَتْ نَبِيَّهَا

وَكَانَتِ الْعَاقِبَةُ وَاحِدَةً، عَاقِبَةُ كُلِّ أُمَّةٍ كَذَبَتْ نَبِيَّهَا وَكَفَرَتْ بِنِعْمَةِ اللَّهِ:
(فَأَخَذْتَهُمُ الرَّجْفَةَ فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جَاثِمِينَ، الَّذِينَ كَذَبُوا شُعَيْبًا كَأَن لَّمْ يَعْنُوا فِيهَا الَّذِينَ كَذَبُوا
شُعَيْبًا كَانُوا هُمُ الْخَاسِرِينَ) [الأعراف: ۹۱ - ۹۲].

13

Уммат оқибатда ўз пайғамбарини ёлғончига чиқарди

Оқибат барча умматлар каби ўз пайғамбарини ёлғончига чиқариб, Аллоҳ неъматларига куфр келтиришди.

“Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар худди у ерда яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ўшалар зиён кўрувчилар бўлдилар”.
(Аъроф сураси, 91-92-оятлар).

۱۴

بَلَّغَ الرِّسَالَةَ وَأَدَّى الْأَمَانَةَ

وَكَانَ شَأْنُ شُعَيْبٍ شَأْنَ كُلِّ نَبِيٍّ بَلَّغَ الرِّسَالَةَ وَأَدَّى الْأَمَانَةَ، وَأَقَامَ الْحُجَّةَ:
(فَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ: يَا قَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَنَصَحْتُ لَكُمْ فَكَيْفَ آسَىٰ عَلَىٰ قَوْمٍ
كَافِرِينَ) [الأعراف: ۹۳].

14

Рисолатни етказди ва омонатни адо этди

Шуъайб барча пайғамбарлар сингари иш тутди. У рисолатни етказди, омонатни адо этди ва ҳужжатни қоим қилди.

“Кейин у улардан юз ўгирди ва: «Эй қавмим, батаҳқиқ, сизга Роббимнинг юборганларини етказган эдим ҳамда сизга насихат қилган эдим. Қандай қилиб кофир қавмларга қайғурай», деди”. (Аъроф сураси, 93-оят).

قِصَّةُ سَيِّدِنَا دَاوُدَ وَسَيِّدِنَا سُلَيْمَانَ عَلَيْهِمَا السَّلَامُ

وَمَا يَمْتَصِرُ الْقُرْآنُ عَلَى ذِكْرِ أَيَّامِ اللَّهِ وَمَا لَقِيَهِ الْأَنْبِيَاءُ وَالرُّسُلُ مِنْ تَكْذِيبٍ وَسُخْرِيَّةٍ وَإِهَانَةٍ وَمُطَارَدَةٍ مِنَ الْأُمَّمِ الَّتِي بُعِثُوا فِيهَا، وَمَا لَقِيَتْ هَذِهِ الْأُمَّمُ مِنْ عُقُوبَةٍ وَعَذَابٍ، وَهَلَاكِ وَدَمَارٍ، لِتَكْذِيبِهَا لِلرُّسُلِ، وَاسْتِهْزَائِهَا بِهِمْ؛ وَكَيْدِهَا لَهُمْ، وَهَمِّهَا بِقَتْلِهِمْ، كَمَا مَرَّ بِكُمْ فِي قِصَصِ النَّبِيِّينَ.

Саййидимиз Довуд ва саййидимиз Сулаймон алайҳимассалом қиссалари

Қуръони карим Аллоҳнинг кунларини зикр қилиш, набийлар, расулларнинг масхара қилиниши, хорланиши ва бир умматга юборилган пайғамбарнинг ҳайдалиши, йўлиққан азобу уқубатлари ҳамда ҳалокати, умматлар ўзларига юборилган элчиларга нисбатан ҳийла ишлатиб, уларни ўлдиришга қасд қилганларини баён қилиш билан кифояланмади. Бу юқоридаги пайғамбарлар қиссаида ҳам таъкидлаб ўтилди.

۱

الْقُرْآنُ يَتَحَدَّثُ عَنِ آلَاءِ اللَّهِ

بَلْ نَحَدِّثُ الْقُرْآنَ كَثِيرًا عَنْ آيَةِ اللَّهِ، وَحَكَى فِي بَسْطِ أَحْيَانًا وَفِي اخْتِصَارٍ أَحْيَانًا عَنْ نِعَمٍ كَثِيرَةٍ، أَنْعَمَ بِهَا عَلَى كَثِيرٍ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ، مِنْهُمْ دَاوُدُ وَسُلَيْمَانُ، وَمِنْهُمْ أَيُّوبُ وَيُونُسُ، وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَى. فَأَمَّا دَاوُدُ وَسُلَيْمَانُ فَقَدْ مَكَّنَ اللَّهُ لَهُمَا فِي الْأَرْضِ، وَوَسَّعَ لَهُمَا فِي الْمُلْكِ، وَمَدَّ لَهُمَا فِي الْعِلْمِ، وَعَلَّمَهُمَا كَثِيرًا مِمَّا جَهَلَهُ النَّاسُ، سَخَّرَ لَهُمَا الْأَقْوِيَاءَ وَالْعِتَادَ، وَمَا لَا يَنْقَادُ مِنَ الْحَيَوَانَاتِ وَالْجَمَادَاتِ، فَقَالَ: (وَلَقَدْ آتَيْنَا دَاوُودَ وَسُلَيْمَانَ عِلْمًا وَقَالَا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي فَضَّلَنَا عَلَى كَثِيرٍ مِنْ عِبَادِهِ الْمُؤْمِنِينَ، وَوَرِثَ سُلَيْمَانُ دَاوُودَ وَقَالَ: يَا أَيُّهَا النَّاسُ عَلِمْنَا مِنْتُمْ أَنْتُمْ طَائِرٌ وَأَوْتَيْنَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِنَّ هَذَا لَهُوَ الْفَضْلُ الْمُبِينُ) [النمل: ١٥ - ١٦].

1

Қуръон Аллоҳнинг мўъжизалари ҳақида сўзлайди

Қуръон Аллоҳнинг мўъжизалари ҳақида сўзлайди. Кўпгина неъматлар ҳақида баъзан тўлиқ, баъзан қисқа ҳикоя қилади. Яратган кўп пайғамбарларга неъматлар ато этган. Жумладан, Довуд, Сулаймон, Айюб, Юнус, Закариё ва Яҳё алайҳиссаломлар турли неъматлар соҳибларидир.

Довуд ва Сулаймон алайҳиссаломларни Аллоҳ ер устида мустаҳкам жойлади, уларга мулкни кенг қилиб қўйди, илмларини зиёда қилди, одамлар билишмаган нарсаларнинг кўпини уларга ўргатди, кучлилар ва қурол-аслаҳаларни уларга бўйсундириб қўйди. Ҳайвонлар ва жонсиз нарсаларни ҳам уларнинг измига солди.

“Батаҳқиқ, Биз Довуд ва Сулаймонга илм бердик. Икковлари: □Бизни кўпгина мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин□ дедилар. Ва Сулаймон Довудга ворис бўлди. У : □Эй, одамлар, бизга қуш тили ўргатилди ва ҳар бир нарсдан берилди. Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир□ деди”. (Намл сураси, 15-16-оятлар).

۲

نِعْمَةُ اللَّهِ عَلَى دَاوُدَ

فَأَمَّا دَاوُدُ فَقَدْ سَخَّرَ اللَّهُ لَهُ الْجِبَالَ وَالطَّيْرَ تَتَجَاوَبُ مَعَهُ فِي الدُّعَاءِ وَالتَّسْبِيحِ، وَعَلَّمَهُ صِنْعَةَ الدُّرُوعِ،
وَأَلَانَ لَهُ الْحَدِيدَ:

وَلَقَدْ آتَيْنَا دَاوُدَ مِنَّا فَضْلًا يَا جِبَالُ أَوِّبِي مَعَهُ وَالطَّيْرَ وَأَلْنَا لَهُ الْحَدِيدَ، أَنْ اْعْمَلْ سَابِغَاتٍ وَقَدِّرْ فِي
السَّرْدِ وَاْعْمَلُوا صَاحِحًا إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ [سبأ: ۱۰ - ۱۱].
وَ يَقُولُ: (وَسَخَّرْنَا مَعَ دَاوُدَ الْجِبَالَ يُسَبِّحْنَ وَالطَّيْرَ وَكُنَّا فَاعِلِينَ، وَعَلَّمْنَاهُ صِنْعَةَ لُبُوسٍ لَكُمْ
لِتُحْصِنَكُمْ مِنْ بَأْسِكُمْ فَهَلْ أَنْتُمْ شَاكِرُونَ) [الأنبياء: ۷۹ - ۸۰].

2

Аллоҳнинг Довуд алайҳиссаломга неъмат

Довудга эса Аллоҳ тоғлар ва қушларни бўйсундириб қўйди. Улар дуо ва тасбеҳни у билан бирга қайтарардилар. Аллоҳ Довудни совут яшашга ўргатиши баробарида унга темирни юмшоқ қилиб ҳам қўйди.

“Батаҳқиқ, Биз Довудга Ўзимиздан фазл бердик. «Эй тоғлар, у билан бирга (*тасбиҳни*) қайтар ва қушлар ҳам», (*дедик*). Ва унга темирни юмшоқ қилдик. (Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга темирни хамирдек юмшоқ қилиб берган эди. У киши темирни оловга солиб тобламасдан ҳам, болға билан урмасдан ҳам, нимани хоҳласалар, қўллари билан шуни ясай олар эдилар.) Ва унга: «Совутлар қилгин ва бичимини ўлчовли қил. Солиҳ амаллар қилинглари. Албатта, Мен нима амал қилаётганингизни яхши кўриб тургувчиман», дедик”. (Сабаъ сураси, 10-11-оятлар).

“Бас, Биз уни Сулаймонга фахмлатдик. Уларнинг ҳар бирига ҳукми ва илми берган эдик. Довуд билан бирга тасбиҳ айтсин деб тоғларни ва қушларни бўйинсундириб қўйдик. Шуларни қилгувчи бўлган Бизмиз. Биз унга сизлар учун сизни ёмонликдан сақлайдиган кийим қилиш санъатини ўргатдик. Энди шукр қиларсизлар?!”. (Анбиё сураси, 79-80-оятлар).

۳

شُكْرُهُ عَلَى هَذِهِ النِّعْمَةِ

وَكَانَ دَاوُدُ مَعَ هَذَا الْمَلِكِ الْوَاسِعِ وَالْيَدِ الْحَاذِقَةِ الْقَوِيَّةِ عَبْدًا خَاشِعًا أَوْابًا، دَائِمَ الذِّكْرِ، طَوِيلَ الدُّعَاءِ وَالتَّسْبِيحِ، حَاكِمًا مُفْسِطًا، يَحْكُمُ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا يُجَازِي، يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى:
(يَا دَاوُدُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَى فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ هُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا يَوْمَ الْحِسَابِ) [ص: ٢٦].

3

Довуднинг ушбу неъматга шукронаси

Довуд мана шундай улкан бойлик, моҳир ва қувватли қўл эгаси бўлишига қарамасдан, оддий, хушхулқ, дуо ва тасбеҳи узун адолатли ҳоким эди. У одамлар орасида ҳақ билан ҳукм чиқарар ва зулм қилмас эди. Аллоҳ таоло шундай дейди:

“Эй Довуд, албатта, Биз сени ер юзида халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ ила ҳукм юрит. Ҳавои нафсга эргашма! Яна у сени Аллоҳнинг йўлидан адаштирмасин. Албатта, Аллоҳнинг йўлидан адашадиганларга унутганлари учун ҳисоб кунида шиддатли азоб бордир”. (Сод сураси, 26-оят).

۴

نِعْمَةُ اللَّهِ عَلَى سُلَيْمَانَ

فَأَمَّا سُلَيْمَانُ فَقَدْ سَخَّرَ اللَّهُ لَهُ الرِّيحَ تَجْرِي بِأَمْرِهِ وَتَحْمِلُهُ مِنْ مَكَانٍ إِلَى مَكَانٍ، فَيَصِلُ إِلَيْهِ فِي أَقْرَبِ وَفْتٍ وَأَسْرَعِ زَمَانٍ، وَسَخَّرَ لَهُ الْأَقْوِيَاءَ وَالْحَاذِقِينَ مِنَ الْجِنِّ، وَالْمَارِدِينَ مِنَ الشَّيَاطِينِ، يُنْقِذُونَ أَوَامِرَهُ، وَيُكْمِلُونَ مَشَارِعَهُ الْعُمْرَانِيَّةَ وَالْبِنَائِيَّةَ الْعِمْلَاقَةَ.

(وَلَسُلَيْمَانَ الرِّيحَ عَاصِفَةً تَجْرِي بِأَمْرِهِ إِلَى الْأَرْضِ الَّتِي بَارَكْنَا فِيهَا وَكُنَّا بِكُلِّ شَيْءٍ عَالِمِينَ، وَمِنَ الشَّيَاطِينِ مَنْ يَغُوصُونَ لَهُ وَيَعْمَلُونَ عَمَلًا دُونَ ذَلِكَ وَكُنَّا لَهُمْ حَافِظِينَ) [الأنبياء: ٨١ - ٨٢].

(وَلَسُلَيْمَانَ الرِّيحَ غَدُوًّا شَهْرًا وَرَوَاحًا شَهْرًا وَأَسَلْنَا لَهُ عَيْنَ الْقِطْرِ وَمِنَ الْجِنِّ مَنْ يَعْمَلُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِإِذْنِ رَبِّهِ وَمَنْ يَزِغْ مِنْهُمْ عَنْ أَمْرِنَا نُذِقْهُ مِنْ عَذَابِ السَّعِيرِ، يَعْمَلُونَ لَهُ مَا يَشَاءُ مِنْ مَحَارِبٍ وَمَتَابِلٍ وَجِفَانٍ كَالْجَوَابِ وَقُدُورٍ رَاسِيَاتٍ اعْمَلُوا آلَ دَاوُدَ شُكْرًا وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّاكِرِينَ) [سبأ: ١٢ - ١٣].

4

Аллоҳнинг Сулаймонга неъматлари

Аллоҳ Сулаймонга шамолни бўйсундирган эди. Шамол Сулаймоннинг амрига биноан юриб, уни бир жойдан бошқа жойга олиб борар, унга энг зарур пайт ва энг тез фурсатда етиб келар эди. Жинлардан моҳир қўлли ва кучлиларини ҳамда шайтонларнинг бўйсунмайдиганларини ҳам унга бўйсундириб қўйган эди. Улар унинг амрини бажо келтириб, улкан бинолар қуриш лойиҳаларини бажарардилар.

“Сулаймонга шамолни қаттиқ эсувчи қилиб бердик. У(шамол)ни унинг амри ила, Биз баракали қилган ерга эсадиган қилиб қўйдик. Барча нарсани билгувчи бўлдик. Ва шайтонлардан унга ғаввослик қиладиганларни ва бундан бошқа амалларни қиладиганларни қилдик. Биз уларни муҳофаза қилгувчи бўлдик”. “Ва Сулаймонга шамолни (бердик). У(шамол)нинг эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши бир ойлик йўл эди. Унга мис

булоғини оқизиб қўйдик ва жинлардан Роббининг изни ила унинг хузурида ишлайдиганлари бор эди. Улардан ким амримиздан чикса, унга қаттиқ олов азобини тотдирамиз. (Сулаймон алайҳиссаломга берилган ўша шамол бир кундузда икки ойлик йўлни юриб ўта оларди. У киши мисдан қийинчиликсиз хоҳлаган нарсаларини ясайдиган бўлдилар.) У(жин)лар унга меҳроблар, ҳайкаллар, ховузлар каби лаганлар ва собит қозонлардан хоҳлаганини қилиб беришар эди. Эй, Оли Довуд, шуқр қилинглар! Бандаларимдан шуқр қилгувчилари оздир”. (Сабаъ сураси, 12-13-оятлар).

۵

فِقْهٌ دَقِيقٌ وَعِلْمٌ عَمِيقٌ

وَقَدْ بَجَلَى ذَكَوْهُ وَقُدْرَتُهُ عَلَى الْحُكْمِ الصَّحِيحِ فِي قَضِيَّةٍ رُفِعَتْ إِلَى وَالِدِهِ الْعَظِيمِ، فَكَانَ لِقَوْمٍ كَرَمٌ قَدْ أَنْبَتَتْ عَنَاقِيدَهُ، فَدَخَلَتْ فِيهِ غَنَمٌ لِقَوْمٍ فَأُفْسِدَتْهُ، فَفَضَى دَاوُدُ بِالْغَنَمِ لِصَاحِبِ الْكَرَمِ، فَقَالَ سُلَيْمَانُ: غَيْرُ هَذَا يَا نَبِيَّ اللَّهِ. قَالَ: وَمَا ذَاكَ؟ قَالَ: تَدْفَعُ الْكَرَمَ إِلَى صَاحِبِ الْغَنَمِ فَيَقُومُ عَلَيْهِ كَمَا كَانَ، وَتَدْفَعُ الْغَنَمَ إِلَى صَاحِبِ الْكَرَمِ فَيُصِيبُ مِنْهَا حَتَّى إِذَا كَانَ الْكَرَمُ كَمَا كَانَ، دَفَعْتَ الْكَرَمَ إِلَى صَاحِبِهِ، وَدَفَعْتَ الْغَنَمَ إِلَى صَاحِبِهَا. وَخَصَّهُ اللَّهُ بِفِقْهِ دَقِيقٍ وَعِلْمٍ عَمِيقٍ فَقَالَ:

(وَدَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ إِذْ يَحْكُمَانِ فِي الْحَرْثِ إِذْ نَفَشَتْ فِيهِ غَنَمُ الْقَوْمِ وَكُنَّا لِحُكْمِهِمْ شَاهِدِينَ (۷۸) فَفَهَّمْنَاهَا سُلَيْمَانَ وَكَلَّا آتَيْنَا حُكْمًا وَعِلْمًا) [الأنبياء: ۷۸ - ۷۹].

5

Нозик фикҳ ва чуқур илм

Сулаймон алайҳиссаломнинг зийраклиги ҳамда бирор муаммо юзасидан тўғри ҳукм чиқара олиш қобилияти, ҳурматли отаси хузурида шаънини кўтарилишига сабаб бўлди. Қавмнинг тоқзори бор эди, унинг узуми пишган эди.

Бир қавмнинг қўйлари у ерга кириб, пайхон қилиб юборди. Довуд қўйни тоқзор эгалари фойдасига ҳукм қилди.

Сулаймон алайҳиссалом: “Эй, Аллоҳнинг пайғамбари ҳукм бундан бошқачадир”, деди. У: “Қандай бўлади?” деди. Қўйнинг эгасига тоқзорни берасан, қандай бўлса, шундай парвариш қилади. Тоқзорнинг эгасига қўйни берасан, тоқзор қандай бўлса шундай ҳолида унга бўлади, тоқзор аввалги ҳолатига келса, эгасига берасан, қўйни ҳам ўз эгасига берасан, деди. Аллоҳ уни нозик фикҳ ва чуқур илм билан хослаб қўйди.

“Ва Довуд билан Сулаймоннинг экинзор ҳақида ҳукм қилаётганларини (эсла). Ўшанда у (экинзор)га қавмнинг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди. Биз уларнинг ҳукмига шохид бўлган эдик.

(Ўз даврининг Пайғамбари ва подшоҳи бўлмиш Довуд алайҳиссаломнинг ҳузурларига икки киши ораларида ҳукм чиқаришни сўраб келишибди. Улардан бири экинзор соҳиби, иккинчиси қўйлар эгаси экан).

Бас, Биз уни Сулаймонга фаҳмлатдик. Уларнинг ҳар бирига ҳукми ва илми берган эдик”. (Анбиё сураси, 78-79-оятлар).

(Ўшанда у экинзорга қавмнинг қўйи кечаси тарқалиб кетган эди. Кечаси билан экинзорни пайхон қилиб, еб битирган эди. Довуд алайҳиссалом икки томоннинг гапини эшитиб бўлиб, қўйларни экинзор эгасига берилишига ҳукм чиқардилар. Пайхон бўлиб йўқолган экинзор ўрнига уни пайхон қилган қўйларни олиб бериш айни адолат эди. Бу ҳукмдан кейин қайтиб кетаётган қўй эгаси Сулаймон алайҳиссаломни кўриб қолиб, бўлган ҳодисани у кишига айтиб берди. Шунда Сулаймон алайҳиссалом оталари Довуд алайҳиссалом олдиларига кирдилар ва «Эй Аллоҳнинг Набийи, ҳукм сиз чиқарган ҳукмдек бўлмаслиги керак эди», дедилар. Довуд алайҳиссалом: «Қандай бўлиши керак эди», дедилар. Сулаймон алайҳиссалом: «Қўйни экинзор эгасига беринг, у фойдаланиб турсин. Экинзорни эса, қўй эгасига беринг, уни тузатиб асл ҳолига келтирсин. Сўнгра ҳар ким ўз

нарсасини қайтариб олади. Экинзор эгаси экинзорини эски ҳолига келгандан сўнгра қайтариб олади. Қўй эгаси ҳам қўйларини қайтариб олади», дедилар. Шунда Довуд алайҳиссалом: «Хукм сен чиқарган хукмдир», дедилар).

٦

سُلَيْمَانُ يَعْرِفُ لُغَةَ الطَّيْرِ وَالْحَيَوَانَ

وَقَصَّ الْقُرْآنُ قِصَّةَ حَكِيمَةٍ مُّتَّعَةً بِنَجَلَىٰ فِيهَا تَبْقُطُ سُلَيْمَانَ فِي تَدْبِيرِ مَمْلَكَتِهِ وَرَهْبَةِ سُلْطَانِهِ، كَيْفَ جَمَعَ اللَّهُ لَهُ بَيْنَ سَعَادَةِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ، وَبَيَّنَّ الْمُلْكَ وَالتَّمَكِينَ وَالتُّبُوءَةَ وَالرِّسَالَةَ فِي الدِّينِ، وَكَانَ يَعْرِفُ لُغَةَ الطَّيْرِ وَالْحَيَوَانَ، وَجَمَعَ جُنُودَهُ مِنَ الْجِنِّ وَالْإِنْسِ وَالطَّيْرِ ذَاتَ مَرَّةٍ، وَرَكِبَ فِيهِمْ فِي أُبْهَةِ وَعَظْمَةٍ، وَكَانُوا عَلَىٰ نِظَامٍ كَامِلٍ، وَكَانُوا فِي قِيَادَةِ رُؤَسَائِهِمْ، فَمَرَّ سُلَيْمَانُ عَلَىٰ وَادِي النَّمْلِ، فَخَافَتْ نَمْلَةٌ عَلَىٰ قَبِيلَتِهَا أَنْ تُحَطِّمَهَا الْحَيُولُ بِخَوَافِرِهَا، وَلَا يَشْعُرَ بِذَلِكَ سُلَيْمَانُ وَجُنُودُهُ، فَأَمَرْتُهُمْ بِالدُّخُولِ فِي مَسَاكِينِهِمْ، فَفَهِمَ ذَلِكَ سُلَيْمَانُ، وَمَآ يَأْخُذُهُ التِّيَهُ وَلَا الرَّهْوُ بِأَنَّهُ نَبِيٌّ مِنْ أَنْبِيَاءِ اللَّهِ، بَلْ حَمَلَهُ ذَلِكَ عَلَىٰ حَمْدِ اللَّهِ تَعَالَىٰ وَشُكْرِ نِعْمَتِهِ، وَالدُّعَاءِ لِلتَّوْفِيقِ لِلْعَمَلِ الصَّالِحِ وَالْإِنْخِرَاطِ فِي سَبِيلِكَ عِبَادِ اللَّهِ الصَّالِحِينَ.

6

Сулаймон қушлар ва ҳайвонлар тилини билар эди

Қуръон бизга яна бир ажойиб, қизиқарли қисса ҳақида сўзлайди. Унда Сулаймоннинг мамлакатини бошқариш тадбири ва ҳукмронлигидаги шижоати илгари сурилган. Аллоҳ уни қандай қилиб дунё-охират саодати, салтанат обрўси ҳамда диндаги нубувват-рисолат орасида қилиб қўйди-а?

Сулаймон қушлар ва ҳайвонлар тилини билар эди. У бир гал жинлар, инсонлар ва қушлардан иборат қўшинни тўплаб, улар олдига улуғворлик ва ифтихор билан чиқди. Улар мукамал интизом узра ўз бошлиқларининг қўл остида эдилар. Сулаймон алайҳиссалом чумолилар водийсидан ўтган эди, бир

чумоли ўз қабиласини Сулаймон қўшинининг отлари билмаган ҳолда туёқлари билан босиб кетишидан хавфсираб, уларни ўз масканларига кириб кетишга амр қилди. Сулаймон буни тушунди, у Аллоҳнинг пайғамбарларидан бири бўлгани учун такаббурлик ва мақтанчоқлик қилмади, балки бу нарса у кишини Аллоҳ таолога ҳамд айтиш ва неъматларига шукр қилиш, дуо ва солиҳ амалларни бажариш, солиҳ бандалар йўлидан юришга чорлади.

۷ - ҚИССА ҲУДҲУД

وَكَانَ الْهُدُودُ رَائِدَهُ وَعَيْنُهُ يَدُلُّهُ عَلَى مَوَاضِعِ الْمِيَاهِ، وَمَنَازِلِ الْجَيْشِ، فَلَمْ يَجِدْهُ، فَأَنْكَرَ ذَلِكَ وَتَوَعَّدَهُ، فَغَابَ زَمَانًا يَسِيرًا ثُمَّ جَاءَ، فَقَالَ لِسُلَيْمَانَ: اطَّلَعْتُ عَلَى مَا لَمْ تَطَّلِعْ عَلَيْهِ أَنْتَ وَلَا جُنُودُكَ، وَجِئْتُكَ بِخَيْرِ صِدْقٍ عَنْ سَيِّئٍ وَمَلِكِيهِمْ، هُمْ مُلْكٌ عَظِيمٌ وَدَوْلَةٌ وَاسِعَةٌ، وَقَدْ وَجَدْتُهُمْ - عَلَى هَذَا الْعَقْلِ وَالْكِيَّاسَةِ، وَالْمُلْكِ وَالرِّئَاسَةِ - أَصْحَابَ سَفَاهَةٍ وَجَهَالَةٍ، وَهُمْ يَسْجُدُونَ لِلشَّمْسِ مِنْ دُونِ اللَّهِ، وَلَا يَفْقَهُونَ ذَلِكَ، وَلَا يَهْتَدُونَ إِلَى عِبَادَةِ اللَّهِ وَحَدَّهُ.

7

Худхуд (сассиқпўпишак) қиссаси

Худхуд Сулаймоннинг йўлкўрсатувчи ва айғоқчиси эди. Уни сувли жойларга, қўшин масканларига бошлаб борар эди. Бир пайт Сулаймон худхудни топа олмай қолди, уни огоҳлантириб, таҳдид қилди. Худхуд бироз вақт йўқ бўлиб, сўнг қайтгач Сулаймонга: “Мен ҳам, сен ҳам, аскарларинг ҳам билмайдиган нарсдан хабардор бўлиб, Сабаъ қавми ва уларнинг маликаси ҳақида ишончли хабар билан келдим. Уларнинг улкан бойликлари ва кенг давлатлари бўлиб, унда ақл ва бойлик билан ҳукмрон бўлишларига қарамасдан уларда нодонлик ва жаҳолатни топдим. Улар Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилар эканлар, ўзлари буни тушунишмас экан, ёлғиз Аллоҳнинг ибодатига ҳидоят топмаган эканлар”, деди.

۸ - سُلَيْمَانُ يَدْعُو مَلَكَهٖ سَبًّا إِلَىٰ دِينِهِ

وَشَقَّ عَلَىٰ نَبِيِّ اللَّهِ أَنْ يَكُونَ بِجَوَارِ مَمْلَكَتِهِ مُلْكٌ وَأُمَّةٌ لَا يَعْرِفُهَا وَلَا تَبْلُغُهَا دَعْوَتُهُ، وَلَا تَزَالُ تَعْبُدُ الشَّمْسَ، وَتَارَتْ فِيهِ الْحَمِيَّةُ الدِّينِيَّةُ النَّبَوِيَّةُ، وَرَأَى مِنَ الصَّوَابِ أَنْ يَكْتُبَ إِلَىٰ مَلَكَتِهَا وَحَاكِمَتِهَا الْمُشْرِكَةَ، وَيَدْعُوَهَا إِلَىٰ الْإِسْلَامِ، وَالطَّاعَةِ وَالْإِسْتِسْلَامِ، قَبْلَ أَنْ تَرْحَفَ عَلَىٰ بِلَادِهَا بِجُنُودِهِ الْقَاهِرَةِ؛ فَكَتَبَ إِلَيْهَا كِتَابًا بَلِيغًا دَعَاها فِيهِ إِلَىٰ الْإِسْلَامِ وَالْإِسْتِسْلَامِ، وَالْكِتَابُ يَجْمَعُ بَيْنَ الرَّقَّةِ وَالصَّرَامَةِ وَتَوَاضَعِ الْأَنْبِيَاءِ وَعَيْرَةِ الْمُلُوكِ.

8

Сулаймон Сабаъ маликасини ўз динига даъват қилади

Аллоҳнинг пайғамбарига мамлакати ёнида уни танимайдиган, даъвати етмаган салтанат ва уммат бўлиши оғир ботди. Қуёшга ибодат қилишдан тўхтамаган бу миллатни кўргач, Сулаймон алайҳиссаломда диний ва набавий ҳамияти қўзиб кетди. Енгилмас аскарлари билан уларни босиб олишдан олдин, уларнинг салтанати ва мушрик ҳокимиятига хат ёзиб, Исломга ва таслим бўлишга даъват қилишни тўғри деб билди. Мактубда мулойимлик, қатъийлик, пайғамбарларга хос тавозуъ ва подшоҳларга хос ғайрат ҳам бор эди.

۹ - الْمَلَكَهٖ تَسْتَشِيرُ أَرْكَانَ دَوْلَتِهَا

فَقَدْ كَانَ سُلَيْمَانُ جَامِعًا بَيْنَهُمَا، وَكَانَتْ الْمَرْأَةُ الَّتِي تَحْكُمُ هَذِهِ الْبِلَادَ عَاقِلَةً غَيْرَ مُتَسَرِّعَةٍ فِي الْحُكْمِ، عِنْدَهَا بَحَارٌ وَاسِعَةٌ مِنْ سِيرِ الْمُلُوكِ وَأَخْبَارِ الْفَاتِحِينَ، وَإِنَّمَا خَانَهَا عَقْلُهَا فِي مَعْرِفَةِ الْإِلَهِ وَعِبَادَتِهِ؛ فَلَمْ تَأْخُذْهَا حَمِيَّةُ الْمُلُوكِ، وَلَمْ تَسْتَبِدَّ بِالرَّأْيِ، فَأَطْلَعَتْ أَهْلَ الرَّأْيِ مِنْ أَرْكَانِ دَوْلَتِهَا عَلَىٰ هَذَا الْكِتَابِ الَّذِي لَمْ يَكُنْ كَسَائِرِ الْكُتُبِ، إِنَّهُ كِتَابٌ مِنْ أَعْظَمِ الْمُلُوكِ فِي زَمَانِهَا وَمِنْ نَبِيِّ دَاعٍ إِلَى اللَّهِ.

وَلَمَّا بَدَأَ أَرْكَانَ دَوْلَتِهَا يُدُلُّونَ بِقُوَّتِهِمْ وَكَثَرَتِ جُيُوشُهُمْ إِرْضَاءً وَتَمَلُّقًا - شَأْنَ جُلَسَاءِ الْمُلُوكِ وَالْحُكَّامِ فِي كُلِّ زَمَانٍ وَمَكَانٍ - لَمْ تَقْبَلْ مَقَالَاتَهُمْ وَلَمْ تُؤَافِقْهُمْ عَلَيْهَا، بَلْ حَدَّرْتَهُمْ مِنْ سُوءِ الْعَاقِبَةِ، وَذَكَّرْتَهُمْ بِسِيرَةِ الْمُلُوكِ الْفَاتِحِينَ فِي الْأُمَمِ الْمَفْتُوحَةِ وَمَصِيرِهَا بَعْدَ الْهَزِيمَةِ وَالْإِنْكَسَارِ، وَقَالَتْ: سَيَكُونُ هَذَا شَأْنَ بِلَادِنَا وَأُمَّتِنَا، وَقَالَتْ لَهُمْ: إِنِّي سَأُرْسِلُ إِلَى سُلَيْمَانَ بِهَدَايَا وَطُرْفٍ فَأَمْتَحِنُهُ بِهَا، فَإِنْ قَبِلَ الْهَدِيَّةَ فَهُوَ مَلِكٌ فَقَاتِلُوهُ، وَإِنْ لَمْ يَقْبَلْهَا فَهُوَ نَبِيٌّ فَاتَّبِعُوهُ.

9

Малика давлат аъёнларидан маслаҳат сўради

Сулаймон алайҳиссалом пайғамбарлик ва подшоҳликни ўзида жамлаган киши эдилар. Ушбу ўлкани ҳокими ақлли аёл бўлиб, ҳукм чиқаришда шошқалоклик қилмас эди. Подшоҳлар сийрати ва фотиҳлар хабари борасида унда бой тажриба бор эди. Илоҳ ва Унинг ибодати хусусида унинг ақли хиёнат қилган бўлса-да, у подшоҳларга хос такаббурликка берилмади, ўз фикрида мустабид ҳам бўлмади. Давлат аъёнлари ушбу мактубга бошқа мактублар каби кўз югуртириб чиқишди. Аслида у замонасининг энг буюк подшоҳи ва Аллоҳга даъват қилувчи Набийнинг номаси эди.

Давлат аъёнлари маликани хотиржам қилиш ва тилёғламачилик мақсадида ўз кучлари ва қўшинлари кўплигига ишора қилишди. Бундай нарса ҳамма замон ва маконларда аъёнларнинг одатидир. Шундай бўлса ҳам малика уларнинг сўзларини қабул қилмади ҳамда уларга мувофиқ ҳам бўлмади. Аксинча оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантирди. Уларга бошқа миллатлардаги фотиҳ подшоҳларнинг йўлларини эслатиб: “Бу бизнинг шаҳримиз ва миллатимиз обрўси бўлади. Мен Сулаймонга совға-саломлар жўнатиб, уни синайман, агар совғани қабул қилса, у (оддий) подшоҳ бўлади, уни ўлдиришлар. Агар қабул қилмаса, у пайғамбардир, унга эргашишлар”, деди.

۱۰ - هَدِيَّةُ مُسَاوَمَةٍ

وَبَعَثَتْ إِلَيْهِ هَدِيَّةً عَظِيمَةً لِأَيِّمَةٍ بِالْمُلُوكِ، فَلَمَّا وَصَلَتْ إِلَى سُلَيْمَانَ أَعْرَضَ عَنْهَا وَزَهَدَ فِيهَا، وَقَالَ: أَتَسَاوَمُونِي بِمَالٍ لِأَتُرْكِكُمْ عَلَى شِرْكِكُمْ وَمُلْكِكُمْ؟ وَالَّذِي أَعْطَانِي اللَّهُ مِنَ الْمُلْكِ وَالْمَالِ وَالْجُنُودِ، خَيْرٌ مِمَّا أَنْتُمْ فِيهِ، وَالْأَمْرُ جَدُّ لَيْسَ بِهَزْلٍ، وَالْقَضِيَّةُ قَضِيَّةُ دَعْوَةٍ وَطَاعَةٍ، لَيْسَتْ قَضِيَّةَ مُسَاوَمَةٍ، وَتَوَعَّدَهُمْ بِقَصْدِهِ لَهُمْ وَرَحْفِهِ عَلَى مُلْكِهِمْ.

10

Тенглаштирувчи совға

Малика Сулаймонга подшоҳларга хос улкан совға жўнатди. Сулаймон эса совғадан юз ўғирди ва уни арзимас нарса деб ҳисоблади. Ва: “Мен сизларни ширк келтирган ҳолингизда салтанатингизни тарк қилишим учун совға билан сийлаб, уни тенг қилмоқдасизларми?”

Аллоҳ менга ато этган салтанат, мол-мулк ва аскарлар сизлар ҳадя қилган нарсдан яхшидир. Буйруқ жиддийдир, унда ҳазил йўқдир. Бу иш даъват ва итоат ишидир, тенглаштириш иши эмас, деб уларнинг салтанатларига ҳужум қилишга қасд этганини таъкидлади.

۱۱ - الْمَلِكَةُ تَأْتِي خَاصَّةً

فَلَمَّا رَجَعَتْ هَذِهِ الْبَعْثَةُ إِلَى مَلِكَةِ سَبَأَ، وَحَكَتْ لَهَا الْقِصَّةَ، سَمِعَتْ وَأَطَاعَتْ هِيَ وَقَوْمُهَا، وَأَقْبَلَتْ تَسِيرُ إِلَيْهِ فِي جُنُودِهَا خَاصَّةً، وَلَمَّا تَحَقَّقَ سُلَيْمَانُ عَلَيْهِ السَّلَامُ قُدُومَهُمْ إِلَيْهِ فَرِحَ بِذَلِكَ وَحَمَدَ اللَّهَ، وَأَرَادَ أَنْ يُرِيَهَا آيَةَ مِنْ آيَاتِ اللَّهِ، لِيَكُونَ ذَلِكَ أَدَلَّ عَلَى قُدْرَةِ اللَّهِ وَنِعْمِهِ عَلَى سُلَيْمَانَ، فَأَرَادَ أَنْ يُحْضِرَ عَرْشَهَا الَّذِي وَكَلَّتْ بِهِ رِجَالًا أَقْوِيَاءَ أَمْنَاءَ، فَطَلَبَ مِنْ مَلَاهِ أَنْ يَأْتُوهُ بِعَرْشِهَا قَبْلَ وُصُولِ هَذَا الْمَوْكِبِ الْعَظِيمِ.

وَقَدْ تَحَقَّقَ مَا أَرَادَ سُلَيْمَانُ فِي أَقْرَبِ وَقْتٍ وَكَانَ مُعْجِزَةً، وَأَمَرَ بِهِ سُلَيْمَانُ فَعُيِّرَ بَعْضُ صِفَاتِهِ، لِيُخْتَبَرَ مَعْرِفَتَهَا وَثَبَاتَهَا عِنْدَ رُؤُوسِهِ، وَإِنِ التَّبَسَّ عَلَيْهَا الْأَمْرُ كَانَ دَلِيلًا عَلَى قُصُورِ نَظَرِهَا فِي أُمُورٍ أَدَقَّ مِنْهُ وَأَبْعَدَ مَنَالًا.

11

Маликанинг бўйинсунган ҳолда келиши

Юборилган гуруҳ Сабаъ қавми маликаси ҳузурига қайтиб келиб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Шунда у ва унинг қавми Сулаймонга итоат қилди, аскарлари билан у ерга таслим бўлган ҳолда боришга аҳд қилди. Сулаймон алайҳиссалом уларнинг келишини билиб, бундан хурсанд бўлди, Аллоҳга ҳамд айтди. Аллоҳнинг мўъжизалари, унинг қудрати ва Сулаймонга берган неъматларига далил бўлиши учун Ўзининг қучли, бақувват кишилари вакил қилиниб, маликанинг тахти олиб келинишини хоҳлади. Улардан отлиқлар келишидан аввал тахтни келтиришни талаб қилди. Сулаймон хоҳлаган нарса тез фурсат ичида амалга ошди. Бу мўъжиза эди. Сулаймон маликани синаш учун тахтнинг кўринишини бироз ўзгартирди. Бу билан маликанинг маърифати ва саботини билмоқчи бўлди. Агар малика бу нарсада чалғиса, демак, нозик ишларда унинг фикрлаши тор эканига далил эди.

۱۲ – قَصْرٌ عَظِيمٌ مِنْ رُجَاجٍ

وَأَمَرَ سُلَيْمَانُ الْبَنَائِينَ مِنَ الْإِنْسِ وَالْجِنِّ، فَبَنَوْا لَهَا قَصْرًا عَظِيمًا مِنْ رُجَاجٍ، وَأَجْرُوا تَحْتَهُ الْمَاءَ، فَالَّذِي لَا يَعْرِفُ أَمْرَهُ يَحْسَبُ أَنَّهُ مَاءٌ، وَلَكِنَّ الرُّجَاجَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَاشِي وَبَيْنَ الْمَاءِ، وَكَانَ الْمُؤَكَّدُ أَنَّ الْمَلِكَةَ تَتَوَهَّمُهُ مَاءً فَتَكْشِفُ عَنْ سَاقَيْهَا، وَهُنَالِكَ تَتَبَيَّنُ الْخَطَأَ، وَتُدْرِكُ قُصُورَ نَظَرِهَا وَأَخْذَاعَهَا بِالْمَظَاهِرِ، وَكَانَتْ هِيَ وَقَوْمُهَا يَسْجُدُونَ لِلشَّمْسِ، لِأَنَّهَا أَكْبَرُ مَظْهَرٍ لِلنُّورِ وَالْحَيَاةِ، الَّتِي هِيَ مِنْ صِفَاتِ اللَّهِ تَعَالَى، وَهُنَالِكَ يَنْكَشِفُ الْغَطَاءُ

عَنْ عَيْنَيْهَا، فَتَعْرِفُ أَنَّهَا كَمَا أَخْطَأَتْ فِي مُعَامَلَةِ الرَّجَاحِ مُعَامَلَةَ الْمَاءِ فَكَشَفَتْ عَنْ سَاقِيهَا، كَذَلِكَ أَخْطَأَتْ فِي مُعَامَلَةِ الشَّمْسِ مُعَامَلَةَ الْحَالِقِ فَسَجَدَتْ لَهَا وَعَبَدَتْهَا، وَكَانَ ذَلِكَ أْبْلَغَ مِنْ مِئَةِ خُطْبَةٍ وَأَلْفِ دَلِيلٍ.

12

Шишадан бўлган улкан қаср

Сулаймон алайҳиссаломнинг инсу жинлардан ташкил топган бинокорларга буюргандилар, улар унга шишадан бўлган улкан қасрни қуриб, остидан сув оқизиб қўйдилар. Буни билмаган киши сув деб ўйлар эди. Лекин шиша йўлакча билан сув орасини тўсиб турар эди. Аниқки, малика уни сув деб ўйлаб, пойчасини очиб олди. Мана шу ерда маликанинг хатоси ва кўз қараши тор экани ҳамда зоҳир нарсага алданувчан экани билиниб қолди. У ва қавми қуёшга сажда қилишар эди, чунки қуёш нур ва ҳаёт учун энг улкан кўриниш эди. Ўша нур ва ҳаёт Аллоҳнинг сифатларидан эди. Мана шу нуқтада кўзларини тўсиб турган парда очилди. Худди шишани сув деб ўйлаб пойчаларини очишгани каби қуёшни яратувчи, деб муомала қилиб адашишган эди. Чунки, улар қуёшга сажда қилиб, ибодат бажо келтиришган эди. Мана шу воқеа, юзлаб мавъиза хутбаси ҳамда минглаб далилдан етукрокдир.

۱۳ – وَأَسَلْتُ مَعَ سُلَيْمَانَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

وَهَكَذَا كَانَ، فَقَدْ تَوَرَّطَتْ رَغَمَ ذَهَائِبِهَا وَذَكَائِبِهَا فِي هَذَا الْخُطَأِ الْفَاحِشِ، وَتَوَهَّمَتِ الرَّجَاحَةَ مَاءً رُقْرُقًا يَسِيلٌ وَمُوجٌ، فَكَشَفَتْ عَنْ سَاقِيهَا، وَأَرَادَتْ أَنْ تَحْوِضَهُ.
هُنَالِكَ نَبَّهَهَا نَبِيُّ اللَّهِ سُلَيْمَانُ عَلَى خَطَئِهَا، وَقَالَ: إِنَّهُ صَرَخُ مُرَدٍّ مِنْ قَوَارِيرِ، وَأَنْكَشَفَ الْغِطَاءَ عَنْ عَيْنَيْهَا، وَعَرَفَتْ جَهْلَهَا فِي قِيَاسِ الْمَظْهَرِ عَلَى الظَّاهِرِ، وَعِبَادَةِ الشَّمْسِ وَالسُّجُودِ لَهَا، وَابْتَدَرَتْ تَقُولُ: رَبِّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي، وَأَسَلْتُ مَعَ سُلَيْمَانَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ.

“Сулаймон билан бирга оламлар роббиси Аллоҳга таслим бўлдим”

Малика ақли ва заковати ўткир бўлишига қарамасдан бу даҳшатли хатодан оғир аҳволга тушиб қолди. У, идишда суюқ сув бўлиб, у оқади ва мавжланади, деб ўйлаган эди. У пойчани очиб, у ерни кечиб ўтмоқчи ҳам бўлди. Шу ерда Аллоҳнинг пайғамбари бўлмиш Сулаймон унга хатоси учун танбеҳ бериб: «Албатта, бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган саройдир», деди. Шунда унинг кўзидан парда очилди. Ички кўриниш билан ташқи кўринишни қиёслашда жоҳил эканини билди. Чунки у жоҳиллиги сабаб қуёшга ибодат ва сажда қилар эди. У шошганича: «Эй Роббим, албатта, мен ўзимга зулм қилиб юрган эканман, Сулаймон ила оламларнинг Робби – Аллоҳга мусулмон бўлдим!» деди.

١٤ – الْقُرْآنُ يَحْكِي قِصَّةَ سُلَيْمَانَ

وَافْرُؤُوا هَذِهِ الْقِصَّةَ الشَّائِقَةَ الْمُتَمَتِّعَةَ فِي الْقُرْآنِ، يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى:
 (وَتَفَقَّدَ الطَّيْرَ فَقَالَ: مَا لِيَ لَا أَرَى الْهُدْهُدَ أَمْ كَانَ مِنَ الْغَائِبِينَ، لَأُعَذِّبَنَّهُ عَذَابًا شَدِيدًا أَوْ لَأَذْبَحَنَّهُ أَوْ لِيَأْتِنِي بِسُلْطَانٍ مُّبِينٍ. فَمَكَثَ غَيْرَ بَعِيدٍ فَقَالَ: أَحَطْتُ بِمَا لَمْ تُحِطْ بِهِ وَجِئْتُكَ مِنْ سَبَإٍ بِنَبِيٍّ يَقِينٍ، إِنِّي وَجَدْتُ امْرَأَةً تَمْلِكُهُمْ وَأُوتِيَتْ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ وَلَهَا عَرْشٌ عَظِيمٌ، وَجَدْتُهَا وَقَوْمَهَا يَسْجُدُونَ لِلشَّمْسِ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَزَيَّنَ لَهُمُ الشَّيْطَانُ أَعْمَالَهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ السَّبِيلِ فَهُمْ لَا يَهْتَدُونَ، أَلَّا يَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي يُخْرِجُ الْخَبَاءَ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُخْفُونَ وَمَا تُعْلِنُونَ، اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ. قَالَ: سَنَنْظُرُ أَصَدَقْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْكَاذِبِينَ. اذْهَبْ بِكِتَابِي هَذَا فَاَلْقِهِ إِلَيْهِمْ ثُمَّ نَوَّلْ عَنْهُمْ فَاَنْظُرْ مَاذَا يَرْجِعُونَ، قَالَتْ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ إِنِّي أُلْقِيَ إِلَيَّ كِتَابٌ كَرِيمٌ، إِنَّهُ مِنْ سُلَيْمَانَ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، أَلَّا تَعْلَمُوا عَلَيَّ وَأُتُونِي مُسْلِمِينَ، قَالَتْ: يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ أَفْتُونِي فِي أَمْرِي مَا كُنْتُ قَاطِعَةً أَمْرًا حَتَّى تَشْهَدُونِ. قَالُوا: نَحْنُ أَوْلُو قُوَّةٍ

وَأُولُو بَأْسٍ شَدِيدٍ وَالْأَمْرُ إِلَيْكِ فَانظُرِي مَاذَا تَأْمُرِينَ، قَالَتْ: إِنَّ الْمُلُوكَ إِذَا دَخَلُوا قَرْيَةً أَفْسَدُوهَا وَجَعَلُوا
 أَعْرَاجَ أَهْلِهَا آذِلَّةً وَكَذَلِكَ يَفْعَلُونَ. وَإِنِّي مُرْسَلَةٌ إِلَيْهِمْ بِهَدِيَّةٍ فَنَاظِرَةٌ بِمَ يَرْجِعُ الْمُرْسَلُونَ، فَلَمَّا جَاءَ سُلَيْمَانَ
 قَالَ أَتِمِدُونَني بِمَالٍ فَمَا آتَانِي اللهُ خَيْرٌ مِمَّا آتَاكُمْ بَلْ أَنْتُمْ بِهَدِيَّتِكُمْ تَفْرَحُونَ. ارْجِعْ إِلَيْهِمْ فَلَنَأْتِيَنَّهُمْ بِجُنُودٍ لَا
 قِبَلَ لَهُمْ بِهَا وَلَنُخْرِجَنَّهُمْ مِنْهَا أَذِلَّةً وَهُمْ صَاغِرُونَ، قَالَ: يَا أَيُّهَا الْمَلَأُ أَيُّكُمْ يَأْتِينِي بِعَرْشِهَا قَبْلَ أَنْ يَأْتُونِي
 مُسْلِمِينَ، قَالَ عِفْرِيْتُ مِنَ الْجِنِّ: أَنَا آتِيكَ بِهِ قَبْلَ أَنْ تَقُومَ مِنْ مَقَامِكَ وَإِنِّي عَلِيهِ لَقَوِيٌّ أَمِينٌ، قَالَ الَّذِي
 عِنْدَهُ عِلْمٌ مِنَ الْكِتَابِ أَنَا آتِيكَ بِهِ قَبْلَ أَنْ يَرْتَدَّ إِلَيْكَ طَرْفُكَ فَلَمَّا رآهُ مُسْتَقِرًّا عِنْدَهُ قَالَ: هَذَا مِنْ فَضْلِ
 رَبِّي لِيَبْلُوَنِي أَأَشْكُرُ أَمْ أَكْفُرُ وَمَنْ شَكَرَ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ لِنَفْسِهِ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ رَبِّي غَنِيٌّ كَرِيمٌ. قَالَ: نَكِّرُوا لَهَا
 عَرْشَهَا نَنْظُرْ أَتَهْتَدِي أَمْ تَكُونُ مِنَ الَّذِينَ لَا يَهْتَدُونَ، فَلَمَّا جَاءَتْ قِيلَ: أَهَكَذَا عَرْشُكِ قَالَتْ: كَأَنَّهُ هُوَ
 وَأُوتِينَا الْعِلْمَ مِنْ قَبْلِهَا وَكُنَّا مُسْلِمِينَ. وَصَدَّهَا مَا كَانَتْ تَعْبُدُ مِنْ دُونِ اللهِ إِنَّهَا كَانَتْ مِنْ قَوْمٍ كَافِرِينَ، قِيلَ
 لَهَا ادْخُلِي الصَّرْحَ فَلَمَّا رَأَتْهُ حَسِبَتْهُ لُجَّةً وَكَشَفَتْ عَنْ سَاقِيهَا قَالَ: إِنَّهُ صَرْحٌ مُّمَرَّدٌ مِنْ فَوَارِيرَ قَالَتْ رَبِّ
 إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي وَأَسْلَمْتُ مَعَ سُلَيْمَانَ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ [النمل: ٢٠ - ٤٤].

وَهَذَا نَبِيُّ اللهِ سُلَيْمَانٌ، وَقَدْ رَأَيْتُمْ مَوَاقِفَهُ فِي الدَّعْوَةِ إِلَى اللهِ وَإِلَى التَّوْحِيدِ، وَحِكْمَتَهُ وَفَقْهَهُ وَعَظِيمَتَهُ عَلَى

دِينِهِ وَعَقِيدَتِهِ.

14

Қуръон сулаймон қиссасини ҳикоя қилади

Сизлар Қуръондаги ушбу, завқ-шавқ бағишловчи қиссани ўқинглар. Аллоҳ таоло:

“20. Ва кушларни текширди-да: «Нега Худхудни кўрмаётирман ёки ғойиблардан бўлдим?»

21. Албатта, уни шиддатли азобла азобларман ёки сўйиб юборурман ёхуд менга, албатта, очик-ойдин ҳужжат келтиражак», деди.

22. Кўп ўтмасдан у келиб: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим.

(Сабаъ Арабистон ярим оролининг жанубида, Яманда жойлашган бир мамлакат эди. Ана ўша мамлакатдан ўта муҳим бир хабар келтирганини айтди.)

23. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси экан. Унга ҳар нарса берилган экан. Ҳамда унинг улкан тахти бор экан.

24. Мен у(аёл)нинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, қуёшга сажда қилаётганларини ва шайтон уларга амалларини зийнатлаб, йўлдан тўсаётганини кўрдим. Бас, улар ҳидоят топмаслар.

(Гап шу ерга келганда, энг муҳим хабар чиқди. Ўша Сабаъ мамлакатига подшоҳ бўлган аёл ва унинг қавми Аллоҳга эмас, қуёшга сажда қилаётган экан. Бу нотўғри йўл. Аллоҳнинг Пайғамбари Сулаймон алайҳиссалом уларнинг бу хатоларини тузатишлари зарур. Шайтон лаънати улар қилаётган гуноҳ амалларни ўзларига чиройли кўрсатиб қўйибди. Агар шу ҳолларида юраверсалар, ҳидоят топмайдилар.)

25. Осмонлару ердаги сирларни ошкор қиладиган, махфий ва ошкор қилган нарсаларингизни биладиган Аллоҳга сажда қилмайдиларми?!

26. Аллоҳ–Ундан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ зотдир. У улуғ аршнинг Роббидир», деди.

27. У : «Кўрамиз, рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми?»

28. Бу мактубимни олиб бориб, уларга ташла, сўнгра четга чиқиб назар сол-чи, нима қайтарарлар», деди.

29. У (Малика): «Эй аъёнлар! Менга кароматли бир мактуб ташланди.

(Малика аъёнларига мактуб ҳақида хабар бериши унинг ўз одамлари билан маслаҳатлашиб иш кўришига далолат қилади. Шу билан бирга, малика ўзи сезган белгилар асосида мактубнинг кароматли эканини айтмоқда.)

30. Албатта, у Сулаймондандир, албатта, унда: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

31. Менга қарши бош кўтармай, таслим бўлган ҳолингизда келинг», дейилмишдир», деди.

32. У: «Эй аъёнлар! Менга бу ишимда фатво беринглари. Сизлар шоҳид бўлмагунигизча, мен бир ишга қатъий қарор қилмасман», деди.

33. Улар : «Биз куч–қувват эгаларимиз ва шиддатли азму шижоат эгаларимиз. Иш ўзингга ҳавола. Нима амр қилишингни ўйлаб кўр», дедилар.

34. У: «Албатта, подшоҳлар бирор шаҳар–қишлоққа кирсалар, уни вайрон қилурлар ва унинг азиз аҳллари хор қилурлар. Ана шундай қилурлар.

35. Мен уларга бир ҳадя юборурман, кўрай–чи, элчилар нима билан қайтар эканлар», деди.

36. Қачонки, *(элчиси)* Сулаймонга келганида, у: «Сизлар менга мол–дунё ила мадад бермоқчимисиз?! Бас, Аллоҳ менга берган нарса сизга берган нарсдан яхшидир. Аммо сизлар ҳадяларингиз билан қувонурсиз.

37. *(Эй элчи!)* Сен уларга қайтиб бор. Бас, албатта, Биз улар бас кела олмайдиган кўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор ҳолларида чиқарурмиз», деди.

38. У *(Сулаймон)*: «Эй аъёнлар! Улар менга таслим бўлиб келишларидан олдин қайсингиз ҳузуримга у*(малика)*нинг тахтини келтира оладир?» деди.

39. Жинлардан бўлган Ифрит: «Мен уни сенга мақомингдан тургунингча келтиурман. Албатта, бунга қувватим ва ишончим бор», деди.

(Араб тилида ёмонликда учига чиққан ва қувватли жин–шайтон «ифрит» дейилади. Бу сўз шайтонга ўхшаш одамга ҳам ишлатилади.)

(Аллоҳ Марямнинг бўлажак Масих Ийсо ибн Марям деб номланган ўғлига ҳикмат, Таврот ва инжилни ҳам ўргатиши хабар қилинмоқда.)

49. Бани Исроилга Пайғамбар қиладир. У: «Албатта, мен сизга Роббингиздан оят-мўъжиза келтирдим, мен сизларга лойдан қушга ўхшаш суврат ясайман, унга пуфласам, Аллоҳнинг изни билан қуш бўлади. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва пеларни тузатаман ва ўликни тирилтираман. Сизларга нимани емоқдасизу, нимани уйингизда сақлаясиз-хабарини бераман. Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир.

50. Ва ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб, сизга ҳаром қилинганнинг баъзисини ҳалол қилиш учун келдим. Сизга Роббингиздан оят-мўъжиза билан келдим. Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг.

51. Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Бу-сироти мустақимдир», дейдир.

(Ийсо алайҳиссаломнинг: «...ўзимдан аввалги Тавротни тасдиқловчи бўлиб...» деганларидан, яна бир бор, у кишининг Бани Исроилга Пайғамбар бўлиб, Мусо алайҳиссалом шариатига амал қилиб келганлари билинмоқда.)

52. Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» деди. Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл.

(«Ҳаворий» дегани ҳолис, яқин, ишончли дўст деганидир. Ийсо алайҳиссаломнинг ҳам шундай кишилари бор эди. Улар Пайғамбарнинг даъватларига дарҳол лаббай деб жавоб бердилар. Аллоҳнинг дини йўлида ёрдамчи бўлишга тайёр эканликларини эълон қилишлари билан бирга, Аллоҳга келтирган иймонларини ҳам зикр қилмоқдалар. Чунки иймон энг асосий нарса ҳисобланади.

Ҳаворийлар яна Ийсо алайҳиссаломдан ўзларининг мусулмонликларига гувоҳ бўлишларини ҳам сўрашмоқда. Яъни, Аллоҳнинг амрига бўйсунганликлари, Аллоҳнинг динига ва Пайғамбарига ёрдам берганликларига гувоҳ бўлишни сўрашмоқда.)

53. Эй Роббимиз! Сен туширган нарсага иймон келтирдик ва Пайғамбарга эргашдик. Бас, бизни гувоҳлик берувчилар қаторига ёзгин», дедилар

54. Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам макр қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг «зўри»дир.

(Бани Исроил Ийсо алайҳиссаломни хочга осишни ва ўлдиришни хоҳлаб, қўлларидан келган макр-хийлаларни қилдилар. Аллоҳ эса у кишини кутқаришни ва Ўзига кўтаришни ирода қилди. Аллоҳнинг тадбири амалга ошди. Уларнинг хийласи ўтмади.)

55. Аллоҳ: «Эй Ийсо, Мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман. Сўнгра қайтиш жойингиз Ўзимга, бас, ихтилоф қилган нарсаларингиз бўйича орангизда Ўзим ҳукм чиқараман», деганини эсла!

56. Бас, куфр келтирганларни бу дунёю у дунёда шиддатли азоб ила азоблайман. Уларга ёрдам берувчилар йўқдир.

57. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг ажрини тўлиқ беради. Ва Аллоҳ золимларни хуш кўрмас.

58. Бу сенга тиловат қилиб бераётганимиз оятлар ва ҳаким эслатмадандир.

59. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида Ийсонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайди. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, бўлди.

(Аҳли китоблар Одам алайҳиссаломнинг тупроқдан яратилганини, Аллоҳнинг пуфлаши оқибатида жон кирганини яхши билишади. Бу ҳақда ҳеч қандай ихтилоф қилишмайди. Йўқ ердан Одам алайҳиссаломни яратган зот Ийсо алайҳиссаломни тирик юрган Марямдан отасиз ҳолда ярата олмайдими?! Аллоҳнинг ҳар бир нарсага қодир эканлигига ишонган эси бор одам бўлса, албатта бунга иқрор бўлади.)

60. Бу ҳақиқат Роббингдандир, бас, шак келтирувчилардан бўлма”. (Оли имрон сураси, 45-60-оятлар)

۱۳ - سِيرَتُهُ وَدَعْوَتُهُ فِي الْقُرْآنِ

وَاقْرَأُوا وَصَفَهُ تَعَالَى لِسِيرَتِهِ وَدَعْوَتِهِ، فِي قَوْلِهِ:

(قَالَ إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ آتَانِيَ الْكِتَابَ وَجَعَلَنِي نَبِيًّا، وَجَعَلَنِي مُبَارَكًا أَيْنَ مَا كُنْتُ وَأَوْصَانِي بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ
مَا دُمْتُ حَيًّا، وَبَرًّا بِوَالِدَتِي وَمَا يَجْعَلَنِي جَبَّارًا شَقِيًّا، وَالسَّلَامُ عَلَيَّ يَوْمَ وُلِدْتُ وَيَوْمَ أَمُوتُ وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا)
[مریم: ۳۰ - ۳۳]

13

Унинг Қуръондаги сийрати ва даъвати

Сизлар, унинг сийрати ва даъвати ҳақидаги Аллоҳ таолонинг васфини мана бу сўзида ўқинглар:

«У: «Албатта, мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга китоб берди ва мени Пайғамбар қилди. Мени қаерда бўлсам ҳам, муборак қилди. Модомики, ҳаёт эканман, намоз ва закотни адо этмоқни тавсия қилди. Мени онамга меҳрибон қилди ва жабр-ситама қилгувчи, бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир□ деди□

(Марям сураси, 30-33-оятлар)

۱۴ - صِرَاعٌ قَدِيمٌ

وَوَقَعَ لِسَيِّدِنَا عِيسَى مَا وَقَعَ لِلْأَنْبِيَاءِ قَبْلَهُ، فَابْتَعَدَ عَنْهُ الرُّؤَسَاءُ وَالرُّعَمَاءُ، وَهَجَرَهُ الْأَغْنِيَاءُ وَالْأَقْوِيَاءُ وَرَأَوْا
فِي الْإِيمَانِ بِهِ وَاتِّبَاعِهِ غَضَاظَةً وَعَيْبًا، وَشَقَّ عَلَيْهِمُ التَّنَازُلُ عَمَّا كَانُوا عَلَيْهِ، مِنْ رِئَاسَةٍ وَرِعَامَةٍ، وَامْتِيَازٍ وَسِيَادَةٍ،
وَصَدَقَ قَوْلُ اللَّهِ تَعَالَى:

(وَمَا أَرْسَلْنَا فِي قَرْيَةٍ مِنْ نَذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا بِمَا أُرْسِلْتُمْ بِهِ كَافِرُونَ، وَقَالُوا نَحْنُ أَكْثَرُ أَمْوَالًا
وَأَوْلَادًا وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ) [سبأ: ۳۴ - ۳۵].

14

Эски кураш

Сайидимиз Ийсога ҳам ундан олдинги пайғамбарларга бошларига тушган ҳодисалар у кишига ҳам тушди. Ундан раис ва амалдорлар узоқлашди, бойлар ва кучлилар четлашди. Улар Ийсога иймон келтирган ва унга эргашганларда офат ва айб бўлади, деган қарашда бўлишди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло рост сўзлаган:

«Қайсики, бир шаҳар-қишлоққа огоҳлантиргувчи юборсак, албатта, унинг маишатбозлари: «Биз, албатта, сиз ила юборилган нарсага куфр келтиргувчилармиз», дедилар. Улар: □Бизнинг молу дунёмиз, бола-чақамиз кўпроқ. Биз азоблангувчи эмасмиз□, дерлар□ (Сабаъ сураси, 34-35-оятлар)

۱۵ – إِيْمَانُ عَامَّةِ النَّاسِ وَفُقَرَائِهِمْ

وَلَمَّا بَيَّنَّ عِيسَىٰ مِنْهُمْ، وَشَاهَدَ فِيهِمُ الْعِنَادَ وَالْكَفْرَ، وَرَأَىٰ أَنَّهُمْ قَدْ جَحَدُوا بِمَا جَاءَ بِهِ مِنْ آيَاتِ بَيِّنَاتٍ وَمُعْجَزَاتٍ بَاهِرَاتٍ اسْتَيْقَنَتْهَا أَنْفُسُهُمْ، وَاسْتَصْعَبُوهُ لِأَنَّهُ لَمْ يَكُنْ صَاحِبَ حَوْلٍ وَطَوْلٍ، أَقْبَلَ عَلَىٰ عَامَّةِ النَّاسِ، وَفُقَرَائِهِمْ، وَقَدْ لَأَنْتَ قُلُوبُهُمْ، وَصَفَتْ نُفُوسُهُمْ، لِأَنَّهُمْ يَأْكُلُونَ بِكَدِّ يَمِينِهِمْ وَعَرَقِ جَبِينِهِمْ، لَا يَتَفَاخَرُونَ بِنَسَبٍ، وَلَا يَتَطَاوَلُونَ بِجَاهٍ وَمَنْصَبٍ، فَأَمَنْتَ مِنْهُمْ طَائِفَةً، فِيَمَا الْقَصَّارُونَ، وَفِيَمَا صَيَّادُوا الْأَسْمَاكَ، وَفِيَمَا أَهْلُ الْحَرْفِ وَالْمِهَنِ.

15

Оддий ва камбағал кимсаларнинг иймон келтириши

Улардаги қайсарлик ва куфрни ҳамда очик-ойдин оят ва мўжизалар келтиргандан кейин инкор қилганларини кўргач, Ийсо ноумид бўлди. Чунки улар, Ийсо алайҳиссалом зодагон бўлмаганлари учун паст назар билан қарашар эди. У зот энди одамларнинг камбағалларига юзландилар, уларнинг қалблари юмшоқ ва

нафслари мусаффо эди, сабаби улар кўл меҳнати ва пешона тери билан ризқларини териб ер эдилар, насабларидан фахрланмасдилар, мансаб ва мартаба билан ҳам тилларини узун қилмасдилар. Кир ювувчилар, балиқ овловчилар, касб-хунар эгалари ва меҳнаткашлардан иборат оддий ва камбағал кимсалар иймонга келишди.

۱۶ - نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ

فَأَمَّنُوا بِالْمَسِيحِ، وَالتَّفُّوا حَوْلَهُ، وَوَضَعُوا أَيْدِيَهُمْ فِي يَدَيْهِ، وَقَالُوا: (نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ) يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى:
(فَلَمَّا أَحَسَّ عِيسَى مِنْهُمْ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ آمَنَّا بِاللَّهِ
وَاشْهَدُ بِأَنَا مُسْلِمُونَ، رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ) [آل عمران: ۵۲ - ۵۳].

16

«Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз»

Улар масийхга иймон келтирдилар, унинг атрофига тўпланиб, унинг кўли устига кўлларини кўйиб, шундай дедилар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз».

Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди: «Ийсо улардан кофирликни сезиб қолганда: «Кимлар Аллоҳ йўлида менга ёрдамчи бўлади?!» деди. Ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз, Аллоҳга иймон келтирдик ва бизнинг мусулмонлигимизга гувоҳ бўл», деб айтишди. (Оли имрон сураси, 52-53-оятлар)

(«Ҳаворий» дегани «холис», «яқин», «ишончли дўст» деганидир. Ийсо алайҳиссаломнинг ҳам шундай кишилари бор эди. Улар Пайғамбарнинг даъватларига дарҳол лаббай деб жавоб бердилар. Аллоҳнинг дини йўлида ёрдамчи бўлишга тайёр эканликларини эълон қилишлари билан бирга, Аллоҳга келтирган иймонларини ҳам зикр қилмоқдалар. Чунки иймон энг асосий нарса ҳисобланади.

Хаворийлар яна Ийсо алайҳиссаломдан ўзларининг мусулмонликларига гувоҳ бўлишларини ҳам сўрашмоқда. Яъни, Аллоҳнинг амрига бўйсунганликлари, унинг динига ва Пайғамбарига ёрдам берганликларига гувоҳ бўлишни сўрашмоқда.)».

۱۷ - سِيَاْحَتُهُ وَدَعْوَتُهُ

وَكَانَ سَيِّدُنَا عِيسَى يَقْضِي أَكْثَرَ أَوْقَاتِهِ فِي السِّيَاْحَةِ، وَالْإِنْتِقَالَ مِنْ مَكَانٍ إِلَى مَكَانٍ، يَدْعُو بَنِي إِسْرَائِيلَ إِلَى اللَّهِ، وَيَهْدِي خِرَافَهُمُ الضَّالَّةَ إِلَى رَبِّهَا وَسَيِّدِهَا، وَيَتَفَقَّحُ لَهُ فِي هَذِهِ الْجَوْلَاتِ وَالرَّحَلَاتِ الْيُسْرُ وَالْعُسْرُ، وَالضِّيْقُ وَالرَّخَاءُ، وَيَتَحَمَّلُ ذَلِكَ صَابِرًا، وَيَقْبَلُ هَذَا شَاكِرًا، وَيَصْبِرُ عَلَى الْجُوعِ، وَيَجْتَرِي بِمَا يَسُدُّ الرَّمَقَ.

17

Саййидимиз Ийсонинг саёҳати ва даъвати

Саййидимиз Ийсо кўп вақтини саёҳат ва бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтиш билан ўтказар эди. У Бани Исроийлни Аллоҳга даъват қилиб, хурофот ва залолатга юз тутишларининг олдини олиб, Роббиси йўли ҳидоятига бошлар эди. Бундай сафарларда унга машаққат ва роҳат, йўқчилик ва тўқинлик ҳамроҳ бўлар эди. У буларнинг барчасини сабр билан қарши олар ва шукр қилишлик билан қабул қилар эди. Бу йўлда очликка қаноат қилар ва очликни тўсадиган даражадаги ризқ билан кифояланар эди.

۱۸ - الْحَوَارِيُّونَ يَطْلُبُونَ مَائِدَةَ السَّمَاءِ

أَمَّا الْحَوَارِيُّونَ فَلَمْ يَكُونُوا بِمَنْزِلَتِهِ مِنَ الصَّبْرِ وَالْجَلْدِ وَالتَّقَشُّفِ وَالزَّهَادَةِ، وَأَصَابَهُمْ شَيْءٌ مِنْ ذَلِكَ، فَطَلَبُوا مِنْ سَيِّدِنَا عِيسَى أَنْ يَسْأَلَ اللَّهَ أَنْ يُنَزِّلَ لَهُمْ مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ يَأْكُلُونَ مِنْهَا وَيَشْبَعُونَ بَعْدَ جُوعٍ، وَيَنْعَمُونَ بَعْدَ عَنَاءٍ.

18

Ҳаворийлар осмондан дастурхон талаб қиладилар

Ҳаворийлар эса, у каби сабр-матонатли, камтар ва оз нарсага қаноат қилувчи бўла олмадилар. Бундан уларга мусибат етди. Саййидимиз Ийсодан, очликдан кейин тўқ бўлишлари ва йўқчиликдан кейин тўкинлик бўлишлари учун осмондан дастурхон тушуришини Аллохдан сўрагин деб талаб қилдилар.

۱۹ – سُوءُ آدَبٍ

وَلَمْ يَكُونُوا مُتَأَدِّبِينَ فِي سُؤَالِهِمْ، فَقَالُوا: (هَلْ يَسْتَطِيعُ رَبُّكَ أَنْ يُنَزِّلَ عَلَيْنَا مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ) [المائدة: ۱۱۲]. وَلَمْ يُعْجَبْ عِيسَى سُؤَالَهُمْ، وَكَرِهَ الْأَسْلُوبَ الَّذِي خَاطَبُوا بِهِ. وَالْأَنْبِيَاءُ جَمِيعًا يُطَالِبُونَ أُمَّهَاتِهِمْ بِالْإِيمَانِ بِالْعَيْبِ، وَيُكَلِّفُونَهَا إِيَّاهُ، وَلَيْسَتْ الْمُعْجَزَاتُ مَخَارِيقَ يُسَلَّى بِهَا الْأَطْفَالُ، وَيُلْهَى بِهَا الْأَعْمَارُ، وَإِنَّمَا هِيَ آيَاتٌ مِنَ اللَّهِ يُظْهِرُهَا عَلَى أَيْدِي أَنْبِيَائِهِ حِينَ يَشَاءُ، وَتَقُومُ بِهَا حُجَّةُ اللَّهِ عَلَى الْعِبَادِ؛ فَلَا يُمْهَلُونَ بَعْدَ ظُهُورِهَا وَإِنْكَارِهَا.

19

Ёмон одоб

Улар савол беришда одобга амал қилмасдан: “**Роббинг бизга осмондан дастурхон тушура оладими?**” (Моида сураси, 112-оят) дейишди. Ийсо уларнинг саволларига жавоб бермай, улар хитоб қилган услубни қоралади. Инчунун, пайғамбарларнинг барчаси умматларидан ғайбга иймон келтиришни талаб қилиб, уларга шу ишнинг масъулиятини юклайдилар.

Мўъжизалар ёш болаларни юпатиш ёки ўқувсиз кишиларга тасалли бериш учун қўлланадиган ғайриоддий нарса эмас, улар Аллоҳнинг оятлари бўлиб, ўз пайғамбарлари қўлида хоҳлаган пайтда намоён қилади. Бу билан бандалар устида Аллоҳнинг хужжати амалга киради. Энди у зоҳир бўлгандан кейин инкор қилувчиларга муҳлат берилмайди.

٢٠ - تَحذِيرُ قَوْمِهِ مِنْ سُوءِ الْعَاقِبَةِ

لِذَلِكَ خَافَ سَيِّدُنَا عِيسَى عَلَيْهِمُ، وَحَذَّرَهُمْ مِنْ سُوءِ الْعَاقِبَةِ، وَنَهَاهُمْ عَنِ امْتِحَانِ اللَّهِ تَعَالَى؛ فَهُوَ أَعْلَى وَأَجَلُّ مِنْ ذَلِكَ.

20

Қавмини ёмон оқибатдан огоҳлантириш

Шунинг учун саййидимиз Йисо алайҳиссалом хавотирда бўлиб, ёмон оқибатдан уларни огоҳлантирдилар ва Аллоҳ таолони имтиҳон қилишдан уларни ман этиб, бу нарса ундан ҳам даҳшатлироқ ва қаттиқроқ эканини уқтирдилар.

٢١ - الْحَاحُ وَإِصْرَارُ

وَلَكِنَّ الْحَوَارِيَّيْنَ تَشَبَّهُوا بِسُؤَالِهِمْ، وَذَكَرُوا أَنَّهُمْ جَادُوا فِي هَذَا السُّؤَالِ، لَا يَقْصِدُونَ إِمْتِحَانًا، إِنَّمَا يُرِيدُونَ اطْمَئِنَانًا، وَلِيَكُونَ ذَلِكَ ذِكْرًا لِلْأَجْيَالِ الْقَادِمَةِ، وَقِصَّةً تُحْكَى وَتُرْوَى عَلَى مَرِّ الْأَيَّامِ، فَتَكُونُ دَلِيلًا عَلَى صِدْقِ هَذَا الدِّينِ، وَمَنْزِلَةِ الْمُؤْمِنِينَ الْأَوَّلِينَ، وَالْحَوَارِيَّيْنَ الصَّادِقِينَ.

Қатъийлик ва собитлик

Ҳаворийлар ўз талабларида қатъий туриб олдилар. Улар ўзларининг бу талабда жиддий эканликлари, имтиҳонни қасд қилмаётганлари, фақат қалблари хотиржам бўлишини хоҳлаётганини айтишди. Кунлар ўтган сари тилларда ҳикоя қилиниб, оғиздан-оғизга ўтиб, келгуси авлодларга эслатма бўлишлари ҳамда шу динни рост эканига ва аввалги мўъминларнинг мавқеъсида бўлишга интилаётганлари ҳамда ҳаворийларнинг ростгўй эканликларига далил бўлишини айтдилар.

۲۲ – الْقُرْآنُ يَحْكِي الْقِصَّةَ

وَدَعُوا الْقُرْآنَ يَحْكِي هَذِهِ الْقِصَّةَ:

(إِذْ قَالَ الْحَوَارِيُّونَ يَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ هَلْ يَسْتَطِيعُ رَبُّكَ أَنْ يُنَزِّلَ عَلَيْنَا مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ قَالَ اتَّقُوا اللَّهَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ، قَالُوا نُرِيدُ أَنْ نَأْكُلَ مِنْهَا وَتَطْمَئِنَّ قُلُوبُنَا وَنَعْلَمَ أَنْ قَدْ صَدَقْتَنَا وَنَكُونَ عَلَيْهَا مِنَ الشَّاهِدِينَ، قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا أَنْزِلْ عَلَيْنَا مَائِدَةً مِنَ السَّمَاءِ تَكُونُ لَنَا عِيدًا لِأَوَّلِنَا وَآخِرِنَا وَآيَةً مِنْكَ وَارْزُقْنَا وَأَنْتَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ، قَالَ اللَّهُ إِنَّي مُنَزِّلُهَا عَلَيْكُمْ فَمَنْ يَكْفُرْ بَعْدُ مِنْكُمْ فَإِنِّي أُعَذِّبُهُ عَذَابًا لَا أُعَذِّبُهُ أَحَدًا مِنَ الْعَالَمِينَ) [المائدة: ۱۱۲ - ۱۱۵].

22

Қуръон қиссани ҳикоя қилади

Қуръоннинг ўзи бу қиссани ҳикоя қилади:

“Ҳаворийларга: «Менга ва Менинг Пайғамбаримга иймон келтиринг», деб ваҳий юборганимда, улар: «Иймон келтирдик ва шоҳид бўл, биз албатта, муслмонлармиз» деганини эсла!

(Ҳаворийлар, Ийсо алайҳиссаломга ихлослари зўр, дин иши учун бутунлай ажралиб чиққан инсонлар эди. Ийсо алайҳиссаломга ҳақиқий кўмакчи бўлган кишилар ҳам ўшалар. Бу оятдаги «ваҳий юборганимда» деган сўзлардан

Пайғамбарларга юбориладиган ваҳийни тушунмаслик керак. Араб тилида, Қуръон истилоҳида «ваҳий» сўзи «илҳом» маъносида ҳам ишлатилади.)

112. Ҳаворийлар: «Эй Ийсо ибн Марям, сенинг Роббинг бизга осмондан тузатилган дастурхон тушира оладими?» деганларида, у: «Агар мўмин бўлсаларингиз, Аллоҳга тақво қилинглр», деганини эсла.

113. Улар: «Ундан емокни, қалбларимиз таскин топмоғини, бизга рост гапирганингни билмокни ва бунга гувоҳ бўлмокни истаймиз», дедилар.

114. Ийсо ибн Марям: «Эй бор Худоё! Роббимиз! Бизга осмондан ясатилган дастурхон туширгин, у аввалимизга-ю, охиримизга байрам бўлиб қолсин. Сендан мўъжиза бўлиб қолсин. Ва бизга ризқ бергин, зотан Ўзинг энг яхши ризқ бергувчисан», деди.

115. Аллоҳ: «Мен, албатта, уни сизларга туширгувчиман. Бас, бундан кейин сизлардан ким куфр келтирса, уни оламларда ҳеч кимни азобламаган азоб ила азоблагайман», деди». (Моида сураси, 112-115-оятлар)

۲۳ – الْيَهُودُ يُحَاوِلُونَ التَّخْلُصَ مِنْ سَيِّدِنَا عِيسَى

وَعِيْلَ صَبْرُ الْيَهُودِ، وَفَاضَتْ كَأْسُ عِدَائِهِمْ وَعِنَادِهِمْ، فَأَرَادُوا التَّخْلُصَ مِنْ سَيِّدِنَا عِيسَى، فَرَفَعُوا قَضِيَّتَهُ إِلَى الْحَاكِمِ الرُّومِيِّ وَقَالُوا: إِنَّهُ رَجُلٌ ثَائِرٌ فَوْضَوِيٌّ مَرَقَ مِنْ دِينِنَا، وَاسْتَهْوَى شَبَابَنَا، فَفُتِنُوا بِهِ، وَفَرَّقَ أَمْرَنَا، وَسَقَمَهُ أَخْلَامَنَا، وَشَعَلَ بَالَنَا.

23

Исроил болалари саййидимиз Ийсодан қутулишга ҳаракат қиладилар

Исроил болаларининг сабр косаси тўлиб, саййидимиз Ийсодан қутулишни хоҳладилар-да, унинг ишини Рум ҳокимига олиб чиқиб: "Бу динимиздан қайтган, бир қўзғолончи ва тартибсизлик келтирувчи одам, йигитларимизни йўлдан урган, улар шу сабаб адашишган, бизнинг ишларимизни бўлиб ташлаган, орзуларимизни бемаъни ҳисоблаб, фикримизни чалғитиб юборган", дейишди.

٢٤ - أُسْلُوبُ النَّاقِمِينَ وَالسِّيَاسِيِّينَ

وَهُوَ خَطَرٌ عَلَى الدَّوْلَةِ، لَا يَخْضَعُ لِنِظَامٍ، وَلَا يَتَّقِيْدُ بِقَانُونٍ، وَلَا يُعْظِمُ عَظِيْمًا، وَلَا يُقَدِّسُ قَدِيْمًا، وَهُوَ رَجُلٌ ثَوْرِيٌّ، إِذَا لَمْ يُكْفَ شَرُّهُ فَإِنَّهُ يَتَّفَاقِمُ، وَلَا تُسْتَصْعَرُ الشَّرَارَةُ مَهْمَا كَانَتْ تَافِهَةً.

24

Тиш қайровчилар ва сиёсатчиларнинг хатти-ҳаракати

Улар, Ийсо алайҳиссаломни давлат учун хатарли, тузумга мос келмайдиган, қонун-қоидаларга риоя этмайдиган, катталарга иззат ва эҳтиромда бўлмайдиган, эскиларни муқаддас ҳисобламайдиган кўзғолончи бир кишидир. Агар унинг ёмонлиги олди олинмаса, жиддий тус олади. У ҳар қанча кичик бўлмасин, уни беъэтибор қолдирманглар, дедилар.

٢٥ - مَكْرٌ وَدَهَاءٌ

وَكَانَ كَلَامًا مَمْلُوءًا بِالْمَكْرِ وَالِدَّهَاءِ، مَصْبُوعًا بِالصَّبْغَةِ السِّيَاسِيَّةِ، وَكَانُوا يَعْرِفُونَ أَنَّ الْجَانِبَ الدِّيْنِيَّ لَا يُبِيرُ الْحُكَّامَ وَلَا يُهَيِّجُهُمْ، فَقَدْ كَانَ مِنْ سِيَاسَتِهِمْ أَنْ لَا يَتَدَخَّلُوا فِي أُمُورِ الْيَهُودِ الدِّيْنِيَّةِ، وَلِذَلِكَ خَلَطُوا الْكَلَامَ بِالسِّيَاسَةِ.

25

Макр ва айёрлик

Бу сўзлар макр ва айёрликка тўла, сиёсий бўёқ билан безалган эди. Албатта, диний йўналиш ҳокимларга исён руҳини келтириб чиқармайди ва уларнинг

ғашига ҳам тегмайди. Уларнинг сиёсатлари, Исроил болаларининг диний ишига дахл қилмаслик эди. Шунинг учун Исроил болалари сўзни сиёсат билан аралаштириб юбордилар.

۲۶ – مُشْكَلَةٌ

وَكَانَ مِنَ الصَّعْبِ أَنْ يَتَحَقَّقَ الْحُكَّامُ الْأَجَانِبُ الْمُشْرِكُونَ حَقِيقَةَ الْأَمْرِ، وَيَعْرِفُوا أَعْرَاضَ الْيَهُودِ، وَسَبَبَ عِدَائِهِمْ لِلْمَسِيحِ، وَكَانُوا فِي شُغْلٍ شَاغِلٍ عَنِ ذَلِكَ بِالْأُمُورِ الْإِدَارِيَّةِ، وَلَكِنْ اشْتَدَّ الْحَاحُ الْيَهُودِ، وَطَالَ تَرُدُّهُمْ فَأَرَادُوا التَّخَلُّصَ مِنْ هَذِهِ الْقَضِيَّةِ الَّتِي أَصْبَحَتْ حَدِيثَ الْبَلَدِ.

26

Муаммо

Ажнабий ва мушрик бўлган ҳукмдорларга бу ишнинг ҳақиқатини тушунтириш қийин эди. Улар Исроил болаларининг ғараз ниятлари ва уларнинг Масийхга душманликларининг сабабини билишар эди. Улар идора ишлари билан машғул эдилар. Лекин Исроил болаларининг қатъий туриб олиб, узоқ пайт талаб қилишлари оқибатида ҳукмдорлар ушбу муаммодан қутулишни хоҳлашган эди. Мана шу воқеъа бутун ўлкада овоза бўлишга улгурган эди.

۲۷ – سَيِّدُنَا الْمَسِيحُ فِي الْمَحْكَمَةِ

وَكَانَ ذَلِكَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ بَعْدَ الْعَصْرِ لَيْلَةَ السَّبْتِ وَكَانَ الْيَهُودُ لَا يَعْمَلُونَ شَيْئًا يَوْمَ السَّبْتِ، وَكَانَ يَوْمَ عَظَلَةٍ وَكَفَّ عَنِ الْعَمَلِ، فَكَانُوا حَرِيصِينَ كُلَّ الْحَرِصِ عَلَى أَنْ يَصُدَّرَ الْحُكْمُ قَبْلَ غُرُوبِ شَمْسِ يَوْمِ الْجُمُعَةِ، وَيَسْتَرِيحُوا مِنْ أَمْرِ الْمَسِيحِ، فَيَنَامُوا هَادِئِي الْبَالِ، وَ يُصْبِحُوا نَاعِمِي الْبَالِ، لَا يُزْعَجُهُمْ شَيْءٌ.

وَقَدْ ضَاقَ الْحَاكِمُ بِالْقَضِيَّةِ دَرْعًا، وَلَيْسَتْ لَهُ فِيهَا رَغْبَةٌ وَلَا لِأُمَّتِهِ فِيهَا مَصْلَحَةٌ، وَقَدْ اخْتَشَدَ الْيَهُودُ لِسِمَاعِ الْحُكْمِ، وَهُمْ بَيْنَ صَائِحٍ وَهَاتِفٍ، وَمُتَنَدِّرٍ وَمُتَهَكِّمٍ، وَالْحَاكِمُ مُتَضَائِقٌ، وَالْوَقْتُ قَصِيرٌ، وَالشَّمْسُ قَدْ مَالَتْ لِلْعُرُوبِ، فَأَصْدَرَ الْحُكْمَ عَلَيْهِ بِالْقَتْلِ صَلْبًا.

27

Саййидимиз Ийсо маҳкамада

Бу, жума кунидаги асрдан кейинги шанба кечаси эди. Исроил болалари шанба кунида ҳеч қандай иш қилмасдилар, бу таътил ва ишдан дам олиш куни саналарди. Улар жума куни қуёш ботишидан олдин шу ҳукмнинг ижро этилиши ва Масийҳ ишидан қутулиб, уларни ҳеч нарса безовта қилинмаган, тинч ҳолда ухлашга қаттиқ ҳарис эдилар. Ҳоким бу ишнинг чўзилганидан сиқилган эди, бунга унинг рағбати ва халқи учун манфаати йўқ, деб билар эди. Исроил болалари ҳукми эшитиш учун жарчи ва эълон қилувчилар чақириғи орқали тўпландилар. Ҳоким эса, сиқилган ҳолда эди, вақт қисқа, қуёш эса ботишга яқин эди. Ҳукм, Ийсо алайҳиссаломни осиб ўлдириш жазосини белгилади.

٢٨ – الْقَانُونُ الْجِنَائِيُّ فِي ذَلِكَ الْعَصْرِ

وَكَانَ الْقَانُونُ الْجِنَائِيُّ فِي ذَلِكَ الْعَصْرِ يُوجِبُ أَنْ يَحْمَلَ الْمَحْكُومُ عَلَيْهِ بِالشَّنَقِ، صَلْبِيَهُ الَّذِي يُصَلَّبُ عَلَيْهِ، وَكَانَ الْمَشْنُوقُ بَعِيدًا كَمَا هِيَ الْعَادَةُ فِي الْبِلَادِ الْمُتَمَدِّنَةِ، وَكَانَ الْجَمْعُ حَاشِدًا يَتَسَاقَطُ بَعْضُهُ عَلَى بَعْضٍ، وَكَانَ رِجَالُ الشُّرْطَةِ – وَأَكْثَرُهُمْ مِنَ الْأَجَانِبِ – مَأْمُورِينَ مُوظَّفِينَ لَا رَغْبَةَ لَهُمْ فِي هَذِهِ الْقَضِيَّةِ وَكَانَ الْإِسْرَائِيلِيُّونَ أَشْبَاهًا عِنْدَهُمْ يَلْتَبَسُ عَلَيْهِمْ أَمْرُهُمْ، فَلَا يُمَيِّزُونَ بَيْنَهُمْ، شَأْنُ الْأَجَانِبِ فِي نَظَرِ الْأَجَانِبِ، وَكَانَ الْوَقْتُ مَسَاءً قَدْ مَدَّ الظَّلَامُ رُؤُوفَهُ، وَكَانَ بَعْضُ الْيَهُودِ وَالْمُتَحَمِّسِينَ الشَّفَهَاءِ مِنَ الشَّبَابِ يَنْهَالُونَ عَلَى السَّيِّدِ الْمَسِيحِ، وَيَتَدَفَعُونَ عَلَيْهِ، يَسُبُّونَهُ، وَيُعَيِّرُونَهُ، وَيُرِيدُونَ إِيدَاءَهُ وَإِهَانَتَهُ.

Ўша асрдаги жиноий қонун

Ўша асрдаги жиноий қонун жазога маҳкум қилинган кишини махсус ускунада осишни тақозо қилар эди. Маданиятли ўлкаларда одат бўлганидек, осиладиган ускуна узоққа жойлаштирилган бўлар эди. Оломон жамоат-жамоат бўлиб, бир-бирининг устига қуйилиб келарди, миршабларнинг – кўп қисми ажнабийлардан бўлгани учун маъмур ва қўриқчи миршабларнинг бу ишга рағбати йўқ эди. Исроил болалари бир қиёфада бўлиб, уларда иш чалкашиб, бир-бирларини ажрата олишмас эди. Улар ажнабийлар назаридаги ажнабийлар эди. Зулумат ўз шохчасини чўзган эди. Баъзи Исроил болалари ва ўзини боса олмаган тентак йигитлар Масих алайҳиссаломни сўқишар, айблашар ва унинг азият чекиши-ю таҳқирланишини хоҳлашар эди.

۲۹ - عِيسَى يَتَحَمَّلُ الْأَذَى

وَكَانَ السَّيِّدُ الْمَسِيحُ لَأَغْبًا، قَدْ أَضْنَاهُ الْجُهْدُ، وَطُولُ الْوُقُوفِ فِي الْمَحْكَمَةِ، وَتَحْمَلُ الْأَذَى، وَكَانَ الصَّلِيبُ ثَقِيلًا، وَقَدْ كُفِّ حَمَلُهُ، فَكَانَ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُسْرِعَ فِي الْمَشْيِ.

Ийсо азиятларга сабр қилади

Саййид Масийҳ чарчаган эди, уни қамокхонада узоқ давом этган қийинчиликлар толиқтирганди. Боз устига хоч ҳам жуда оғир бўлиб, уни кўтариб юришнинг ўзи ғоят машаққатли эди. У тез юра олмас эди.

۳۰ - تَدْبِيرُ إِهْيَئ

وَهُنَا أَمَرَ الشَّرْطِيُّ الْمُؤَكَّلُ بِهِ، شَابًا إِسْرَائِيلِيًّا بِحَمْلِ الْعُودِ، وَكَانَ أَشَدَّ زُمَلَايِهِ حِمَاسَةً، وَأكْبَرَهُمْ سَفَاهَةً، وَأَخْرَصَهُمْ عَلَى إِبْدَاءِ السَّيِّدِ الْمَسِيحِ، وَمُبَادَرَةً لَهُ، حَتَّى يَنْتَهِيَ الْأَمْرُ سَرِيعًا، وَيَتَخَلَّصَ مِنْ هَذِهِ الْمَسْئُولِيَّةِ الْمُرْهَقَةِ.

30

Илоҳий тадбир

Бу ерда вакил қилинган миршаб, исроиллик йигитга боғланган шохни кўтаришни буюрди. У ўртоқлари ичида ғайратли ва шижоатлиси бўлиб лекин энг аҳмоғи эди. Чунки у, Масих алайҳиссаломга озор беришга жуда иштиёқманд ва ташаббускори эди. У, ушбу ишни тезроқ тугадини ва ушбу шафқатсиз масъулиятдан қутулишни хоҳлар эди.

۳۱ - وَلَكِنْ شِبَّهَ لَهُمْ

وَهَكَذَا وَصَلَ الْمُؤَكَّلُ إِلَى بَابِ الْمَشْنَقِ، فَتَقَدَّمَ شُرْطَةُ الْمَشْنَقِ، وَتَسَلَّمُوا الْأَمْرَ مِنَ الشَّرْطَةِ الْمَدَيِّينِ، وَرَأَوْا الشَّابَّ يَحْمِلُ الصَّلِيبَ، وَاخْتَلَطَ الْحَابِلُ بِالنَّابِلِ، وَكَثُرَ الضَّجِيجُ، فَأَخَذَ بِيَدِ الشَّابِّ الْحَامِلِ لِلصَّلِيبِ، وَهُوَ يَصِيحُ وَيُضِجُ، وَيُعْلِنُ بَرَاءَتَهُ وَأَنَّهُ لَا شَأْنَ لَهُ بِالْحُكْمِ وَالصَّلْبِ، وَإِنَّمَا كُفِّفَ حَمْلَ الْعُودِ سُخْرَةً وَظُلْمًا، وَشُرْطَةُ الْمَشْنَقِ لَا يَلْتَفِتُونَ إِلَى ذَلِكَ، وَلَا يَفْهَمُونَ لُغَتَهُ، لِأَنَّهُمْ مِنَ الرُّومِ وَالْيُونَانِ الْأُمَّةِ الْحَاكِمَةِ.

31

Лекин уларга шундай туюлди

Шундай қилиб оломон ҳукм ижро этиладиган жойга етиб келди. Осиш миршаби олдинга чиқиб, маданий миршабдан буйруқни олди. Қарашса, (Ийсо

алайҳиссалом ўрнида) хочни кўтариб турган йигит турибди. Ҳамма нарса аралаш куралаш бўлиб кетди. Шовқин-сурон кўтарилди. Миршаб хоч кўтариб олган йигитни қўлидан тутди. Миршаб мана шу йигитни маҳкум бўлганига шубҳа қилмас эди. Йигит қичқириб шовқин солди, ўзининг айбсизлигини эълон қилди. Унинг ҳукм қилиниши ва осилишида ҳеч қандай алоқаси йўқ эди. Осувчи миршаб унинг сўзларига ўгирилиб, қараб ҳам қўймас эди. Чунки, унинг тилини билишмас эди. Чунки улар ҳоким миллат бўлмиш Юнон ва Римликлардан эди.

۳۲ – تَنْفِيذُ حُكْمٍ

وَكُلُّ مُجْرِمٍ يَتَنَّصَلُ مِنْ جَرِمَتِهِ، وَكُلُّ مُجْرِمٍ لَهُ صِيَاحٌ وَعَوِيلٌ، وَأَخَذُوهُ وَنَقَدُوا فِيهِ الْحُكْمَ، وَالْيَهُودُ وَاقْفُونَ عَلَى بُعْدٍ، وَالدُّنْيَا لَيْلٌ وَظِلَالٌ، وَهُمْ يَظُنُّونَ كُلَّ الظَّنِّ أَنَّ الْمَصْلُوبَ هُوَ الْمَسِيحُ.

32

Ҳукмнинг ижроси

Ҳар-бир жинойтчи ўз қилмишидан покиза эканини айтади. Ҳар-бир жинойтчи бақириб-қичқиради. Шунга қарамасдан улар уни ушлаб, ҳукмни ижро қилишди. Исроил болалари эса, узоқдан қараб туришар эди. Дунё эса, қоронғулик ва зулуматда эди. Улар эса, осилган кимса Масих эканига шубҳа қилишмасди.

۳۳ – رَفْعُ عِيسَى إِلَى السَّمَاءِ

أَمَّا سَيِّدُنَا عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ فَقَدْ بَجَّاهُ اللَّهُ تَعَالَى مِنْ كَيْدِ الْيَهُودِ وَرَفَعَهُ إِلَيْهِ مُكْرَمًا مُطَهَّرًا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا.

33

Ийсонинг осмонга кўтарилиши

Саййидимиз Ийсо ибн Марямни эса Аллоҳ таоло Исроил болалари ҳийласидан ҳимоя этиб, куфр келтирганлардан ҳурматлаган ва поклаган ҳолда осмонга кўтарди.

۳۴ - الْقُرْآنُ يَتَحَدَّثُ عَنِ الْقِصَّةِ

وَذَلِكَ قَوْلُهُ تَعَالَى وَهُوَ يَتَحَدَّثُ عَنِ الْيَهُودِ:

(وَبِكُفْرِهِمْ وَقَوْلِهِمْ عَلَى مَرْيَمَ بُهْتَانًا عَظِيمًا، وَقَوْلِهِمْ إِنَّا قَتَلْنَا الْمَسِيحَ عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ رَسُولَ اللَّهِ وَمَا قَتَلُوهُ وَمَا صَلَبُوهُ وَلَكِنْ شُبِّهَ لَهُمْ وَإِنَّ الَّذِينَ اخْتَلَفُوا فِيهِ لَفِي شَكٍّ مِنْهُ مَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا اتِّبَاعَ الظَّنِّ وَمَا قَتَلُوهُ يَقِينًا، بَلْ رَفَعَهُ اللَّهُ إِلَيْهِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا) [النساء: ۱۵۶ - ۱۵۸].
وَهُوَ فِي السَّمَاءِ كَمَا يُرِيدُهُ اللَّهُ تَعَالَى، وَهُوَ الْقَادِرُ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ، وَقَدْ كَانَتْ وِلَادَتُهُ عَجَبًا، وَحَيَاتُهُ عَجَبًا، وَأَمْرُهُ مِنْ أَوَّلِهِ إِلَى آخِرِهِ عَجَبٌ، خَارِقٌ لِلْعَادَةِ، مُثَبِّتٌ لِلْقُدْرَةِ الْإِلَهِيَّةِ الْمُطْلَقَةِ.

34

Қуръон бу қисса ҳақида сўзлаб беради

Аллоҳ таолонинг бу сўзи Яҳудийлар ҳақида сўзлайди:

“Ва куфрлари, Марямга қарши улкан бўҳтон айтганлари учун Биз Аллоҳнинг Расули Масих Ийсо ибн Марямни ўлдирдик», деганлари учун (уларни лаънатладик). Ҳолбуки уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақида ихтилофга тушганлар унинг ўлиmidан шак-шубҳададилар. У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, магар гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир. Балки уни Аллоҳ Ўзига кўтарди. Аллоҳ азиз ва ҳаким бўлган зотдир”. (Нисо сураси, 156-158-оятлар)

(«Аллоҳ таоло Ийсо ибн Марямни очиқ-ойдин аломатлар ва ҳидоят ила Пайғамбар қилиб юборганида яҳудийлар у зотга берилган Пайғамбарлик ва

мўъжизаларга ҳасад қилдилар. Яҳудийлар эса, у кишини ёлғончига чиқардилар, хилоф қилдилар ва имкони борича у зотга озор беришга ўтдилар.)

У зот эса, Аллоҳ таоло хоҳлаганидек осмондадирлар. Аллоҳ барча нарсага қодирдир. Унинг туғилиши ажойиб бўлган эди, ҳаёти ҳам ажойиб бўлди. Иши бошидан охиригача ажойиб, ғайриодатий ва мутлақ илоҳий қудратни исботловчи эди.

۳۵ - نُزُولُ عِيسَى عِنْدَ الْقِيَامَةِ

وَسَيَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ حِينَ يُرِيدُهُ اللَّهُ، وَيُقِيمُ الْحُجَّةَ عَلَى مَنْ فَرَّطُوا فِيهِ وَأَفْرَطُوا، مِنَ الْيَهُودِ وَالنَّصَارَى، وَيَنْصُرُ الْحَقَّ، وَيَكْبِتُ أَهْلَ الْبَاطِلِ، كَمَا أَخْبَرَ بِهِ نَبِيُّنَا صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَوَرَدَتْ بِهِ الْأَخْبَارُ الصَّحِيحَةُ وَالْأَحَادِيثُ الْمُتَوَاتِرَةُ، وَاعْتَقَدَهُ الْمُسْلِمُونَ فِي كُلِّ عَصْرِ، وَصَدَقَ اللَّهُ الْعَظِيمُ:
(وَإِنَّ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ إِلَّا لِيُؤْمِنَنَّ بِهِ قَبْلَ مَوْتِهِ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ يَكُونُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا) [النساء: ۱۵۹].

35

Ийсо алайҳиссаломнинг қиёмат олдидан тушиши

Аллоҳ хоҳлаган пайтда у зот осмондан тушиб, яҳудий ва насронийларнинг камчиликка йўл қўйган ва ҳаддан ошган нарсаларида ҳужжат қоим қилиб, худди Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам хабар берганларидек ҳамда мутавотир, саҳиҳ ҳадисларда хабари келганидек ҳақ аҳлларига ёрдам берадилар, ботил аҳлларини тор-мор қиладилар

“Ҳеч бир аҳли китоб йўқки, унга ўлимидан олдин иймон келтирмаса. Қиёмат куни эса у уларнинг зиддига гувоҳ бўлур”. (Нисо сураси, 159-оят)

(Уламоларимиз бу ояти кариманинг маъносида икки хил фикр айтганлар. Бунга оятдаги «ўлимидан олдин» ибораси сабаб бўлган. Баъзилари бу ерда Ийсонинг ўлими назарда тутилган, десалар, баъзилари аҳли китобнинг ўлими назарда тутилган дейдилар).

۳۶ - بَشَارَتُهُ بِبَعْتِهِ سَيِّدَنَا مُحَمَّدًا صَلَّى اللَّهُ عَلَيَّ وَسَلَّمَ

وَأَمْ يُكْمِلُ سَيِّدَنَا الْمَسِيحَ مُهَمَّتَهُ فِي الدَّعْوَةِ لِشِدَّةِ مُحَارَبَةِ الْيَهُودِ وَكَيْدِهِمْ لَهُ، وَضَعْفِهِ وَقَلَّةِ أَنْصَارِهِ، فَوَدَّعَ النَّاسَ، وَامْتَثَلَ أَمْرَ رَبِّهِ، وَبَشَّرَ النَّاسَ بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِهِ، يُكْمِلُ مَا بَدَأَهُ، وَيُعَمِّمُ مَا خَصَّصَهُ، وَبِهِ تَتِمُّ نِعْمَةُ اللَّهِ عَلَى عِبَادِهِ، وَتَقُومُ حُجَّتُهُ عَلَى خَلْقِهِ:

(وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيَّ مِنَ التَّوْرَةِ وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي اسْمُهُ أَحْمَدُ) [الصف: ۶۱].

36

Саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларидаги башорати

Саййидимиз Масийҳ муҳим даъватини, яҳудийларнинг қаттиқ қаршилиги, уларнинг макру-ҳийласи, ўзининг ожизлиги ва ёрдамчиларининг камлиги учун мукаммал адо эта олмади. У зот инсонлар билан видолашиб, роббисининг амрига бўйин эгган ҳолда, инсонларга, ўзидан кейин келадиган элчи унинг бошлаган ишини мукаммал қилиши, хос нарсаларни умумий ҳолга айлантириши ҳамда Аллоҳнинг неъматини бандалари устида мукаммал бўлиши ҳақида куйидаги хушxabарни айтди.

“Ийсо ибн Мариям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқловчи ва мандан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини берувчи, Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман»”. (Саф сураси, 61-оят).

۳۷ - مِنَ التَّوْحِيدِ الْخَالِصِ إِلَى عَقِيدَةِ غَامِضَةٍ

وَمِنْ غَرَائِبِ تَارِيخِ الْأَدْيَانِ، وَمِمَّا تَدْمَعُ لَهُ الْعُيُونُ، وَتَذُوبُ لَهُ الْقُلُوبُ، أَنَّهُ تَحَوَّلَتْ دَعْوَةُ الْمَسِيحِ إِلَى التَّوْحِيدِ الْخَالِصِ وَالِدِّينِ السَّهْلِ السَّائِغِ الْبَعِيدِ عَنْ كُلِّ غُمُوضٍ وَتَعْقِيدٍ، وَتَحْرِيفٍ وَتَأْوِيلٍ بَعِيدٍ، الدَّعْوَةُ إِلَى عِبَادَةِ اللَّهِ وَحْدَهُ، وَالسُّؤَالِ مِنْهُ، وَالِإِلْتِجَاءِ إِلَيْهِ، وَحُبِّهِ الْخَالِصِ، إِلَى عَقِيدَةٍ غَامِضَةٍ، وَفَلَسَفَةٍ مُعَقَّدَةٍ، فَعَلَا فِيهِ أَتْبَاعُهُ وَأَطْرَوْهُ إِطْرَاءً خَرَجَ بِهِ مِنْ حُدُودِ الْبَشَرِيَّةِ إِلَى حُدُودِ الْأُلُوهِيَّةِ؛ فَقَالُوا: (الْمَسِيحُ ابْنُ اللَّهِ) [التوبة: ٣٠].

وَقَالُوا: (اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا) [البقرة: ١١٦].

وَقَالُوا: (إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ) [المائدة: ١٧].

وَجَعَلُوا مِنْ إِلَهِ الْوَاحِدِ الصَّمَدِ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ، أُسْرَةً مُؤَلَّفَةً مِنْ ثَلَاثَةِ أَعْضَاءٍ، كُلُّهُمْ إِلَهٌ، فَقَالُوا: الرَّبُّ وَالابْنُ وَرُوحُ الْقُدُسِ، وَاعْتَقَدُوا فِي مَرْيَمَ أُمِّ الْمَسِيحِ، وَعَامَلُوهَا بِمَا يَبْلُغُ بِهَا إِلَى دَرَجَةِ التَّقْدِيسِ وَالْعِبَادَةِ؛ فَقَالُوا: "أُمُّ اللَّهِ". وَشَاعَتْ لَهَا تَمَائِيلُ وَصُورٌ فِي الْكِنَائِسِ، يَخْضَعُ لَهَا النَّصَارَى بِاللُّجُوءِ وَالِدُّعَاءِ، وَالتَّنَدُّرِ الْإِنْخِئَاءِ، وَقَدْ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى مُنْكَرًا مَا اعْتَقَدُوهُ، مُسْتَبْشِعًا مَا فَعَلُوهُ:

(مَا الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ وَأُمُّهُ صِدِّيقَةٌ كَانَا يَأْكُلَانِ الطَّعَامَ انظُرْ كَيْفَ نُبَيِّنُ لَهُمُ الْآيَاتِ ثُمَّ انظُرْ أَنَّى يُؤْفَكُونَ (٧٥) قُلْ أَتَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَمْلِكُ لَكُمْ ضَرًّا وَلَا نَفْعًا وَاللَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ (٧٦)).

37

Холис тавҳиддан ноаниқ ақийдага

Динлар тарихининг ажойиботларидан, кўзлар ёшланадиган, қалблар ларзага келадиган нарсалардан бири – Масийҳнинг даъвати холис тавҳид, енгил дин, барча ноаниқ ва жумбоқ нарсадан йироқ, ўзгартириш ва таъвил қилишдан узоқ, Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга, Унинг ўзидангина сўрашга, Ўзигагина илтижо қилишга, Уни холис севишга чақирувчи бўлган нарсани ноаниқ, чалкаш ақида ва жумбоқ фалсафага ўзгартиришгани эди.

Улар: “Масих Аллоҳнинг ўғлидир”, ва яна: “Аллоҳ ўзига фарзанд тутди”, “Албатта Аллоҳ бу Масийх ибн Марямдир”, деб айтардилар.

Улар якка-ягона бўлган, туғилмаган ва туғмаган илоҳдан уч кишидан иборат оила ясашди. Барчалари бир Илоҳ эмиш. Улар: "Робб, ўғли ва руҳул кудус бўлиб, Масихнинг онаси Марямни муқаддаслаштириш ва ибодат қилиш даражасига кўтариб, "Аллоҳнинг онаси", деб айтиб, черковларда унга атаб ҳайкал ва суратларни барпо қилишди. Насронийлар ана ўша ҳайкал ва суратларга илтижо қилиб, дуо айтиб, назр қилиб, бўйин эгдилар. Аллоҳ таоло улар эътиқод қилган нарсани қуйидаги сўзида инкор қилиб, қабоҳат деб ҳисоблади.

«Масих ибн Марям бир Пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам Пайғамбарлар ўтган. Унинг онаси эса, сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Биз уларга оятларни қандай баён қилаётганимизга назар сол-у, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар сол. Сен: «Аллоҳни қўйиб, сизга зарар ҳам, фойда ҳам бера олмайдиган нарсага ибодат қиласизларми?! Аллоҳ эшитувчи ва билувчи зотдир», деб айт. (Моида сураси, 75-76-оятлар).

۳۸ - عِيسَى يَدْعُو إِلَىٰ عِبَادَةِ اللَّهِ وَحْدَهُ

وَقَدْ دَعَا كَعْبَرِهِ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ إِلَىٰ عِبَادَةِ اللَّهِ وَحْدَهُ، فَجَاءَ مِنْ قَوْلِهِ فِي الْإِنْجِيلِ:

(مَكْتُوبٌ لِلرَّبِّ إِلَهَكَ تَسْجُدُ، وَلَهُ وَحْدَهُ تَعْبُدُ) [متى ۴ : ۱ - ۱].

وَقَوْلُهُ: (مَكْتُوبٌ لِلرَّبِّ إِلَهَكَ تَسْجُدُ، وَلَهُ وَحْدَهُ تَعْبُدُ) [لوقا ۸: ۴].

وَقَدْ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: (مَا كَانَ لِبَشَرٍ أَنْ يُؤْتِيَهُ اللَّهُ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ ثُمَّ يَقُولَ لِلنَّاسِ كُونُوا عِبَادًا

لِي مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ كُونُوا رَبَّانِيِّينَ بِمَا كُنْتُمْ تُعَلِّمُونَ الْكِتَابَ وَبِمَا كُنْتُمْ تَدْرُسُونَ (۷۹) وَلَا يَأْمُرُكُمْ أَنْ

تَتَّخِذُوا الْمَلَائِكَةَ وَالنَّبِيِّينَ أَرْبَابًا أَيَأْمُرُكُمْ بِالْكُفْرِ بَعْدَ إِذْ أَنْتُمْ مُسْلِمُونَ) [آل عمران: ۷۹ - ۸۰].

Ийсо ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга чақиради

Ийсо, ўзидан бошқа пайғамбарлар каби ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилди. Унинг сўзидан Инжилда келган бир парчада:

"Илоҳинг Робб учун сажда қилишинг фарз қилингандир" (Матто: 4-10).

Ва яна: "Илоҳинг Робб учун сажда қилишинг фарз қилингандир. Якка Унинг Ўзига ибодат қиласан" (Луқо: 4-8).

“Бир кишига Аллоҳ китобни, ҳукми ва Пайғамбарликни берганидан сўнг, у одамларга: «Аллоҳни қўйиб менга банда бўлинглар», дейиши асло мумкин эмас. Лекин одамларга: «Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида Роббонийлар бўлинг», дейдир. (Оли имрон сураси, 79-оят)

(Маълумки, насоролар Аллоҳ уларга юборган Пайғамбар Ийсо алайҳиссаломни «худо» деб эътиқод қилганлар ва қиладилар. Уларга, нимага Ийсони худо дейсизлар? дейилса, ўзи айтган, бизни ибодатини қилишимизга буюрган, дейишади. Аҳли китоблар билан бўлган тортишувларда бу масала ҳам кўзғалган бўлиши турган гап. Бу мақомда ҳақиқат нимада эканлигини ушбу оят баён қиляпти.)

"У сизларни фаришталар ва Пайғамбарларни Робб қилиб олишингизга буюрмайди. У сизни мусулмон бўлганингиздан кейин куфрга буюрармиди?!". (Оли имрон сураси, 80-оят)

۳۹ – الْقُرْآنُ يُصْرِّحُ بِدَعْوَةِ عِيسَى

وَقَدْ نَقَلَ الْقُرْآنُ – وَهُوَ الْكِتَابُ الْمُصَدِّقُ لِمَا بَيَّنَّ يَدَيْهِ وَالْمُهَيْمِنُ عَلَيْهِ – مِنْ إِعْلَانِ سَيِّدِنَا عِيسَى

بِالتَّوْحِيدِ الْخَالِصِ وَالِدَّعْوَةِ إِلَيْهِ، فِي أُسْلُوبٍ صَرِيحٍ وَاضِحٍ لَا مَزِيدَ عَلَيْهِ:

(لَقَدْ كَفَرَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْمَسِيحُ ابْنُ مَرْيَمَ وَقَالَ الْمَسِيحُ يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ اعْبُدُوا اللَّهَ رَبِّي

وَرَبِّكُمْ إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ) [المائدة: ۷۲].

Ўзидан олдинги китобларни тасдиқловчи Қуръон бизга, саййидимиз Ийсо алайҳиссаломни холис тавҳидда эканларини ва яккахудоликка даъват қилганларини, ҳеч нарса қўшмасдан очиқ-ойдин услубда қуйидаги оятда бизга нақл қилиб берди.

«Аллоҳ, албатта, Масих ибн Марямдир, деганлар кофир бўлдилар. Масих ибн Марям эса: «Менинг Роббим ва сизнинг Роббингиз Аллоҳга ибодат қилинг. Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қиладир ва унинг турар жойи дўзах бўладир. Ва золимларга нусрат берувчилар йўқдир», деди. (Моида сураси, 72-оят)

٤٠ - مَنْزِلَةُ التَّوْحِيدِ فِي دَعْوَتِهِ

وَقَالَ فِي أُسْلُوبٍ جَمِيلٍ بَلِيغٍ يَتَذَوَّقُهُ كُلُّ مَنْ عَرَفَ مَنْزِلَةَ التَّوْحِيدِ وَسِيرَةَ الْأَنْبِيَاءِ وَالْمُرْسَلِينَ، وَمَا طُبِعُوا عَلَيْهِ مِنْ مَعْرِفَةِ اللَّهِ تَعَالَى، وَالخُضُوعِ لَهُ، وَالرَّهْبَةِ مِنْهُ:
(لَنْ يَسْتَنْكِفَ الْمَسِيحُ أَنْ يَكُونَ عَبْدًا لِلَّهِ وَلَا الْمَلَائِكَةُ الْمُقَرَّبُونَ وَمَنْ يَسْتَنْكِفَ عَنْ عِبَادَتِهِ وَيَسْتَكْبِرْ فَسَيَحْشُرُهُمْ إِلَيْهِ جَمِيعًا (١٧٢) فَأَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَيُوَفِّيهِمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدُهُمْ مِنْ فَضْلِهِ، وَأَمَّا الَّذِينَ اسْتَنْكَفُوا وَاسْتَكْبَرُوا فَيُعَذِّبُهُمْ عَذَابًا أَلِيمًا، وَلَا يَجِدُونَ لَهُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلِيًّا وَلَا نَصِيرًا) [النساء: ١٧٢ - ١٧٣].

У кишининг чиройли ва етук услуб билан айтган нарсаларини, тавҳид ўрни ва набий ҳамда пайғамбарлар сийратини билган, Аллоҳ таолонинг маърифати табиатига сингдирилган, Аллоҳга бўйин эгиб, Ундан қўрққан киши завқ олади.

"Масих ҳам, муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор бош тортмаслар. Ким унинг ибодатидан бош тортса ва мутакаббирлик қилса, уларнинг ҳаммасини Ўзига тўплайди. Иймон келтириб яхши амалларни қилганларни эса, ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан ҳам зиёда қилур. Аммо ор қилиб кибрга кетганларни аламли азоб билан азоблар ва улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топмаслар" (Нисо сураси, 172-173-оятлар).

٤١ - مَشْهَدٌ رَائِعٌ مِنْ مَشَاهِدِ الْقِيَامَةِ

وَقَدْ صَوَّرَ الْقُرْآنُ فِي بِلَاعَتِهِ وَإِعْجَازِهِ، مَشْهَدًا مِنْ مَشَاهِدِ الْقِيَامَةِ الرَّائِعَةِ، يَتَبَرَّأُ فِيهِ سَيِّدُنَا عِيسَى عَمَّا تَقَوْلُهُ النَّاسُ فِيهِ، وَعَامَلُوهُ بِهِ، وَيُوضِحُ دَعْوَتَهُ فِي قُوَّةٍ وَصِدْقٍ، وَيُذَيِّقُ فِي هَذِهِ الْقَضِيَّةِ الْغُلَاةَ مِنْ أُمَّتِهِ، وَأَنَّ هُمْ الْمَسْئُولُونَ وَحَدَهُمْ عَنْ هَذِهِ الْجُرِيْمَةِ، افْرُؤُوا الْقُرْآنَ، وَاسْتَشْعِرُوا جَلَالَ الْمَوْقِفِ وَرَوْعَةَ الْمَشْهَدِ:

(وَإِذْ قَالَ اللَّهُ يَا عِيسَى ابْنَ مَرْيَمَ أَأَنْتَ قُلْتَ لِلنَّاسِ اتَّخِذُونِي وَأُمَّيْ إِهْيَيْنِ مِنْ دُونِ اللَّهِ قَالَ سُبْحَانَكَ مَا يَكُونُ لِي أَنْ أَقُولَ مَا لَيْسَ لِي بِحَقِّ إِنْ كُنْتُ قُلْتُهُ فَقَدْ عَلِمْتَهُ تَعَلَّمَ مَا فِي نَفْسِي وَلَا أَعْلَمُ مَا فِي نَفْسِكَ إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغُيُوبِ (١١٦) مَا قُلْتُ لَهُمْ إِلَّا مَا أَمَرْتَنِي بِهِ أَنْ اعْبُدُوا اللَّهَ رَبِّي وَرَبَّكُمْ وَكُنْتُ عَلَيْهِمْ شَهِيدًا مَا دُمْتُ فِيهِمْ فَلَمَّا تَوَفَّيْتَنِي كُنْتُ أَنْتَ الرَّقِيبَ عَلَيْهِمْ وَأَنْتَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ شَهِيدٌ (١١٧) إِنْ تُعَذِّبُهُمْ فَإِنَّهُمْ عَبَادُكَ وَإِنْ تَغْفِرَ لَهُمْ فَإِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ (١١٨) قَالَ اللَّهُ هَذَا يَوْمُ يَنْفَعُ الصَّادِقِينَ صِدْقُهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ ذَلِكَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ (١١٩) لِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا فِيهِنَّ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ [المائدة: ١١٦-١٢٠].

Қуръон ўзининг балоғати ва ожиз қолдириши билан қиёматнинг ажойиб кўринишларини тасвирлаб беради. Саййидимиз Ийсо алайҳиссалом одамлар айтган нарсдан йироқ эканларини айтиб, уларга муомалани очиқ-ойдин, даъватларини қувват ва ишонч билан адо этиб, умматларидаги ғулувга кетганларни қоралаб, уларни ушбу жинойтда айнан ўзлари масъул эканликларини хабарини бердилар.

Қуръонни ўқинглар ва ушбу кўриниш ва ҳолатни нақадар улкан эканини хис қилинглар.

"Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, сен одамларга, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?» деганини, у эса: «Эй пок Зот, ҳаққим йўқ нарсани мен айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмайман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи зотсан.

Мен уларга Ўзинг менга амр қилган нарса; Аллоҳга менинг Роббим ва сизнинг Роббингизга ибодат қилингдан, бошқани айтганим йўқ. Ва модомики ораларида эканман, уларга гувоҳ бўлдим. Мени Ўзингга олганингдан сўнг, Сенинг Ўзинг уларга кузатувчи бўлдинг. Зотан, сен ҳар бир нарсага гувоҳсан.

(Яъни, қилган ишлари, айтган гаплари ва бошқа нарсаларига гувоҳ бўлдим. Жумладан, сенинг амрингни қанақа қабул қилишларига гувоҳ бўлдим. Менинг улар ичида бўлган вақтимдаги гаплар шулардан иборат. Мен худолик даъвосини қилганим йўқ. Мендан кейин нима бўлганини Ўзинг биласан.)

Агар уларни азоблайдиган бўлсанг, бас, албатта, улар Сенинг бандаларинг. Агар уларни мағфират қиладиган бўлсанг, бас, албатта, Сенинг Ўзинг азиз-ғолиб ва ҳикматли зотсан», деганини эсла.

Аллоҳ: «Бу кун ростгўйларга ростгўйликлари манфаат берадиган кун. Уларга остидан сувлар оқиб турган жаннатлар бор, унда абадий-боқий бўлурлар. Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар Аллоҳдан рози бўлди. Бу эса улуг ютуқдир» деди.

Осмонлару ер ва улардаги нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. Ва У зот ҳар бир нарсага қодирдир" (Моида сураси, 116-120).

٤٢ - مِنْ عَقِيدَةِ غَامِضَةٍ إِلَى وَثْنِيَّةِ سَافِرَةٍ

وَأَنْتَقَلَ دُعَاةُ الْمَسِيحِيَّةِ إِلَى أَوْرَتًا بِدَافِعٍ مِنْ عِنْدِهِمْ، وَقَدْ شَاعَتْ فِيهَا الْوَثْنِيَّةُ السَّافِرَةُ مِنْ زَمَانٍ، وَعَاصَتْ فِيهَا إِلَى الْأَذْقَانِ، فَكَانَ الْيُونَانُ وَثْنِيَّ، وَقَدْ تَصَوَّرُوا صِفَاتِ اللَّهِ فِي شَكْلِ آلِهَةٍ شَتَّى، نُحِتُوا وَبَنَوْا لَهَا مَعَابِدَ وَهَيَاكِلَ؛ فَلِلرِّزْقِ إِلَهٌ، وَلِلرَّحْمَةِ إِلَهٌ، وَالْقَهْرِ إِلَهٌ، وَكَانَتْ الرُّومِيَّةُ عَرِيقَةً فِي الْوَثْنِيَّةِ وَالتَّمَسُّكِ بِالْحُرَافَاتِ، وَقَدْ امْتَزَجَتْ الْوَثْنِيَّةُ بِلَحْمِهَا وَدَمِهَا، وَجَرَتْ مِنْهَا بَحْرَى الرُّوحِ وَالْدَّمِ، وَكَانَ الرُّومَانُ يَعْبُدُونَ آلِهَةً شَتَّى، فَلَمَّا وَصَلَتْ إِلَيْهِمُ النَّصْرَانِيَّةُ، وَتَنَصَّرَ قَسْطَنْطِينُ الْكَبِيرُ سَنَةَ ٣٠٦ م. وَاحْتَضَنَ الدِّينَ الْجَدِيدَ وَتَبَنَاهُ وَجَعَلَهُ دِينَ الدَّوْلَةِ الرَّسْمِيَّةِ، بَدَأَتْ النَّصْرَانِيَّةُ تَأْخُذُ الشَّيْءَ الْكَثِيرَ مِنَ الْعَقَائِدِ الْوَثْنِيَّةِ وَالتَّقَالِيدِ الرُّومِيَّةِ وَالفَلَسَفَةِ الْيُونَانِيَّةِ، وَتَدْنُو إِلَيْهَا رُوَيْدًا رُوَيْدًا، وَصَارَتْ تَفْقِدُ أَصَالَتَهَا النَّبَوِيَّةَ، وَبَسَاطَتَهَا الشَّرْقِيَّةَ، وَحِمَاسَتَهَا التَّوْحِيدِيَّةَ، وَدَخَلَ فِيهَا بَعْضُ الْمُتَنَافِقِينَ فَطَعَمُوهَا بِعَقَائِدِهِمْ الْقَدِيمَةَ وَذَوَّقَهُمُ الْوَثْنِيَّةَ، وَنَشَأَ مِنْ ذَلِكَ دِينٌ جَدِيدٌ، تَتَجَلَّى فِيهَا النَّصْرَانِيَّةُ الْوَثْنِيَّةُ سَوَاءً بِسَوَاءٍ.

وَكَذَلِكَ سَارَتْ النَّصْرَانِيَّةُ الزَّاحِفَةُ الْفَاحِشَةُ، عَلَى دَرَبٍ غَيْرِ الدَّرَبِ الَّذِي سَلَكَ الْمَسِيحُ بِهَا عَلَيْهِ، وَدَعَا إِلَيْهِ، وَكَانَتْ كَسَالِكِ طَرِيقٍ يَضِلُّ عَنِ الطَّرِيقِ - عَنِ قَصْدٍ أَوْ عَنِ غَيْرِ قَصْدٍ - فِي ظِلَامِ اللَّيْلِ -، فَيُؤَاصِلُ سَيْرَهُ عَلَى طَرِيقٍ لَا يَلْتَقِي بِالطَّرِيقِ الْأَوَّلِ إِلَى الْأَخِيرِ.

وَلِهَذِهِ الْحِكْمَةِ الدَّقِيقَةَ الَّتِي لَا يَعْرِفُهَا إِلَّا مَنْ قَرَأَ تَأْرِخَ هَذِهِ الدِّيَانَةِ، وَصَفَهُمُ اللَّهُ بِالضَّلَالِ حِينَ وَصَفَ الْيَهُودَ بِالْمَعْضُوبِيَّةِ، فَقَالَ عَلَى لِسَانِ الْمُسْلِمِينَ:

(أَهْدِنَا الصِّرَاطَ الْمُسْتَقِيمَ (٦) صِرَاطَ الَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ الْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا الضَّالِّينَ)

[الفاتحة: ٦ - ٧].

وَكَانَتْ فِي ذَلِكَ مَأْسَاءٌ لِأُورَتَا، وَمَأْسَاءٌ لِلْإِنْسَانِيَّةِ الَّتِي قَادَتْهَا أَوْرَتَا زَمَنًا طَوِيلًا، وَلَا تَزَالُ مُسَيَّرَةً عَلَيْهَا وَتُتَحَكَّمَةٌ فِيهَا. (لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ) [الروم: ٤].

Ноаниқ ақидадан ошқора равишдаги бутпарастликка

Христиан (масихий) даъватчилар ўзларидаги интилиш билан Оврупога кўчиб ўтдилар. У ерда аллақачон ошқора бутпарастлик тарқалиб улгурган эди. Улар бутпарастликка бўғзиларигача ботиб бўлишган эди. Юнонлар ҳам Аллоҳнинг сифатларини ҳар турлик илоҳлар шаклида тасаввур қилиб, унинг учун ҳайкаллар ясаб, ибодатхоналар барпо қилишган эди. Зеро, уларнинг наздида ризқ учун алоҳида илоҳ, раҳм учун алоҳида илоҳ, қаҳр-ғазаб учун алоҳида илоҳ бор эди. Румликлар ҳам бутпарастлик ва хурофотликда анча илгарилаб кетишган эди. Бутпарастлик уларнинг жисму танига сингиб кетган эди. Римликлар ҳар турлик илоҳларга ибодат қилишар эди. Қачонки Римликларга насронийлик етиб келганида, буюк Константин 306-мелодий санада христианликни қабул қилди. Янги дин ана шу давлат ҳимоясига ўтиб, давлатнинг расмий динига айланди. Христианлик дини бутпарастлик ақидалари, римнинг урф-одатлари ва юнон фалсафаларидан кўплаб жиҳатларни ўзлаштириб, асл набавий ҳолати ва шарқона оддийлиги ҳамда тавҳид шижоатини йўқота бошлади. Баъзи мунофиқлар ҳам у динга кириб, қадимги ақида ва бутпараст завқлари билан пайвандлаб аралаштириб юбордилар. Мана шу ҳолатдан, христианлик ва бутпарастлик бир хил бўлган дин етилиб чиқди.

Шунингдек, христианлик дини, Ийсо-Масих алайҳиссалом тутган йўлдан бошқа йўлни ушлаб, ўша йўлга даъват қилдилар. Худди, қоронғу кечада, йўлини қасддан ёки ноқасддан йўқотиб қўйиб, бошқа йўл тутганлар каби. У йўлида давом этади лекин йўлнинг аввалини охиригача етказиб ололмади.

Ушбу нозик ҳикматни фақат динлар тарихини ўқиган одам билади холос. Аллоҳ яҳудийларни "ғазаб қилинганлар", деб васф қилган пайтда христианларни "адашганлар", деб мусулмонлар тили билан васф қилди.

"Бизни тўғри йўлга бошлагин. Ўзинг неъмат берганларнинг йўлига (бошлагин), ғазабга дучор бўлганларнинг йўлига эмас, адашганларникига ҳам эмас". (Фотиҳа сураси, 6-7-оятлар).

(«Неъмат берилганлар»дан мурод – Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳ бандалар.

«Ғазабга дучор бўлганлар»дан мурод – яҳудийлар.

«Адашганлар»дан мурод – насронийлар. Демак, оятнинг маъноси: Эй, Аллоҳ, бизни ўтган анбиёю авлиё, азизларнинг йўлидан бошлагин, яҳудий ва насронийлар йўлидан бошламагин, деганидир).

Мана шу нарса узоқ вақт ҳукм сурган Оврупа учун ва инсоният учун фожеъа бўлди. Бу нарса ҳануз ҳукмронлигича давом этиб келмоқда.

Бундан аввал ҳам бундан кейин ҳам иш Аллоҳ ҳукмидадир!

* * *